

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

КУЧКАРОВА МАРҲАБО ХУДАЙБЕРГАНОВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА БАДИИЙ ШАРТЛИЛИК

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати

Тошкент – 2020

УЎК: 821.512.133-3:82.0 (043.3)

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати
мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor on philological sciences
(DSc)**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологических
наук (DSc)**

Кучкарова Мархабо Худайбергановна
Ҳозирги ўзбек насрида бадий шартлилик.....4

Kuchkarova Marhabo Xudayberganovna
Literary conditionality in modern uzbek prose.....36

Кучкарова Мархаба Худайбергановна
Художественная обусловленность в современной узбекской прозе ...71

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....65
List of published works
Список опубликованных работ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

КУЧКАРОВА МАРХАБО ХУДАЙБЕРГАНОВНА

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА БАДИИЙ ШАРТЛИЛИК

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Fil.23 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳимжонов Нуъмон Каримович,

Расмий оппонентлар:

Каримов Баҳодир Нурметович,
филология фанлари доктори, профессор

Яқубов Исламжон Аҳмеджанович,
филология фанлари доктори, профессор

Муродов Ғайрат,
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., академик

Р.Баракаев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий
котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., академик.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадиий шартлилик нафақат адабиётда, умуман, санъатнинг барча турларида, кино, театр, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, рақс, фотография ва бошқа соҳаларда ҳам ниҳоятда муҳим хусусият сифатида ўрганилиб келинмоқда. Бадиийликнинг муҳим шартлари образлилик, оригиналлик, универсаллик, мазмун ва шаклнинг уйғун бирлиги, ўзаро мувофиқлиги, ҳаққонийлик, самимийлик, бадиий тил каби шартлар тўла адо этилсагина ҳақиқий санъат асари вужудга келади. Адабиётшуносликда чинакам санъат асарига ёндашувда ана шу нуқтаи назардан қаралади, адабий жараёнда тўхтовсиз равишда янги истеъдод ва бадиият қирралари кашф этилаверади.

Дунё адабиётшунослигида бадиий шартлилик масаласига даставвал Аристотелнинг “Поэтика”сида диққат қаратилган бўлиб, антик дунё давридан бери адабиётшуносликда “адабиётнинг эстетик-таъсирчан қудрати” долзарб илмий-назарий аҳамият касб этиб келади. Хусусан, адабиётда рамз ва метафора, мифология, халқ оғзаки ижоди таъсирида ёзма адабиётга кўчган метаморфоза каби кўпдан-кўп бадиий воситалар; сатира ва киноя, турли ижодий услублар, романтизм, реализм, модернизм, постмодернизм, магик реализм, абсурдизм бадиият имкониятларини янада кенгайтди. Бинобарин, бадиий шартлилик табиатининг сифат ўзгаришларини ўрганиш давр тақозосидир.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётининг етакчи намояндаларидан Э.Аъзам, А.Аъзам, Н.Норматов, Ш.Бўтаев, Х. Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, И.Султон ижодларида қўлланган метафора, киноя, неомиф, метаформоза, абсурд, ассоциатив образли шартлилик унсурларини жаҳон адабиётшунослиги контекстида тадқиқ этиш янгича талқин ва таҳлил этиш заруратини туғдиради. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”¹лиги адабиётшунослик фани олдига ҳам назарий масаларни жаҳон андозалари даражасига юксалтириш масъулиятини қўяди. Шунга кўра, ҳозирги ўзбек насрида кузатилаётган янгича бадиий тафаккур қирралари муаллифнинг жамиятга ва қаҳрамонга, қаҳрамоннинг ўз-ўзига ва атрофдагиларга кинояси, ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларга танқидий муносабати, романтик киноявий воқеа ҳамда образ яратиш, киноявий-таклидий асар, неомиф наср, Жажман, Химер (Шайтон), Сизиф образларининг фалсафий-рамзий маънолари, одам қиёфасидан бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабридаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017, 22 декабрь. - №258 (6952).

қиёфага эврилиш мотивининг намоён бўлиши, метафора, абсурд насрга хос умидсизлик, тушкунлик, рухий ва ижтимоий таназзулнинг ноанъанавий тасвири, ассоциатив образлилик яратиш билан боғлиқ илмий-назарий муаммоларни тадқиқ этиш диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоаласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4871-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Бадиий шартлилик масаласи доимий равишда адабиётшунослик диққат марказида турган долзарб илмий муаммолардан ҳисобланиб, адабиёт илми пайдо бўлгандан буён изчил тадқиқ этиб келинмоқда. Москва давлат университети, Урал давлат педагогика университети, Санъат ва гуманитар фанлар институти, Бурят давлат университети, Тверь давлат университети, Новгород давлат университети, Ульяновск университети (РФ), Киев Миллий

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.dissercat.com>; <http://chelovenauka.com>; www.dslib.net; <https://docplayer.ru>; www.lib.ua-ru.net/diss/cont/201445.html; <https://elibrary.ru/item.asp?id=23365143>; <https://publikacianet/archive/2016-10-2/8> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

университети (Украина), Озарбайжон ўқитувчилар институти (Озарбайжон), М.Утемисов номидаги Ғарбий-Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон), шунингдек, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон) каби университет ва илмий марказларда олиб борилган филологларнинг изланишлари характерлидир.

Жаҳон адабиётшунослигида бадиий шартлилик муаммоси юзасидан муайян илмий натижаларга эришилган: XX асрнинг биринчи ярми Европа адабиётида бадиий шартлилик типлари ва функцияси; миф замонавий адабиётда муҳим бадиий шартли восита эканлиги масалалари асослаб берилган (Москва давлат университети); Т.Толстой ва Ю.Буйда романлари мисолида XX-XXI аср муҳожирликдаги рус прозасида бадиий шартлилик типлари (Бурят давлат университети), Л.М.Леоновнинг “Пирамида” романида иккинчи даражали бадиий шартлилик (Тверь давлат университети), 1970-1980 йиллар рус романчилигида бадиий шартлилик (Ураль давлат педагогика университети), Чингиз Айтматов ижодида ўзга образ яратишда бадиий шартлилик (Санъат ва гуманитар фанлар институти), ҳаётий ҳақиқатдан бадиий синтез яратиш ва шартлилик (Ульяновск университети, РФ), характер яратишда бадиий шартлилик (Киев, Украина), бадиий адабиётда тарихий шартлилик, шартлиликда тарихийлик (Озарбайжон ўқитувчилар институти, Озарбайжон), адабий асарда бадиий шартлилик компонентлари тадқиқи (М.Утемисов номидаги Ғарбий-Қозоғистон давлат университети, Қозоғистон) каби тамойиллари белгилаб берилгани адабиётшуносликда изчил ўрганилаётгани эътиборга молик.

Жаҳон адабиётшунослигида бадиий шартлилик ва насрдаги шартлилик соҳасида, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: киноявий бадиий модус, неомифологик бадиий шартлилик, метаморфоза бадиий шартли восита сифатида, абсурд адабиётга хос бадиият унсурлари, бадиий асардаги образ, ғоя, метафорик образлилик, ассоциатив тафаккур усулининг моҳиятига чуқурроқ кириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси. Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, собиқ совет даври адабиётшунослигида бадиий шартлилик масаласи Н.П.Ослопков, И.А.Разумний, В.Шербина, Т.Л.Мотилева, П.Масленников, Н.В.Виденеев, Ю.Манн, Е.Добин, Т.Асқаров, В.Н.Ждан, Б.Сучков, А.Михайлова, В.Дмитриев, Н.К.Гей, Б.Панкин, В.Шкловский, А.Е.Кравченко, Н.Г.Медведеваларнинг

илмий мақола ва монографик характердаги тадқиқотларида ўрганилган¹.

МДХ адабиётшунослигида ҳам бадиий шартлилик масаласи Н.Г.Владимилова, Е.Г.Доценко, Е.Н.Ковтун, И.С.Ликинская, Н.А.Глинкина, В.Ю.Грушевская, Н.В.Перепелицина, Ши Сяолун, С.Б.Алиев, Р.Б.Султонғалиева, Б.А.Наджафоваларнинг диссертация ва мақолаларида турли ракурс ва аспектларда ўрганилган².

Ўзбек адабиётшунослигида мазкур муаммо юзасидан назарий-таҳлилий аспектдаги фикр-мулоҳазаларни Иззат Султон, А.Ҳайитметов, Б.Саримсоқов, У.Тўйчиев, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, А.Шаропов, Қ.Йўлдошев, Д.Қуронон, С.Холмирзаева, Ш.Назаровалар тадқиқотларида учратиш мумкин³. Мазкур ишларда

¹ Ослопков Н.П. Об условности // Театр. 1959. №12.; Разумный Н.П. О природе художественного обобщения. – М., 1960.; Щербина В. Актуальные проблемы современного литературоведения. – М., 1961.; Мотылева Т.Л. О реализме и условности / Иностранная литература и современность. – М., 1961.; Масленников П. Социалистический реализм и условность // Искусство. – Москва, 1961. №1.; Виденеев Н.В. Об условности в искусстве // Вопросы философии. – М., 1963, №10.; Манн Ю. Художественная условность и время // Новый мир. – Москва, 1963, №1.; Добин Е. Диалектика искусства и проблема условности // Советская культура. – Москва, 1964, №3.; Аскарлов Т. Эстетическая природа художественной условности. – Фрунзе: ИЛИМ, 1966. – 160 с.; Шу муаллиф. Художественная условность как эстетическое явление в свете ленинской теории отражения. – Фрунзе: Кыргызстан, 1984. – 200 с.; Ждан В.Н. Об условности к киноискусству. – М.: Московская правда, 1966. – 56 с.; Шу муаллиф. Эстетика экрана и взаимодействие искусств. – М.: Искусство, 1987. – 496 с.; Сучков Б. Исторический судьбы реализма. – М.: Советская Писатель, 1967.; Михайлова А.О. Художественной условности. – М.: Мысль, 1970. – 300 с.; Дмитриев В. Реализм и художественная условность. – М.: Сов.писатель, 1974. – 210 с.; Гей Н.К. Художественность литературы. Поэтика. Стил. – М.: Наука, 1975. – 471 с.; Панкин Б. Время и слова. – М.: Детская литература, 1973. – 270 с.; Шкловский В. О теории прозы. – М.: Советская Писатель, 1983. – 384 с.; Кравченко А.Е. Художественная условность как средство типизации характера (На материале современного украинского романа): Дисс... канд. филол. наук. – Киев, 1984. – 190 с.; Медведева Н.Г. Миф как форма художественной условности: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1984.

² Владиминова Н.Г. Формы художественной условности в современном романе Великобритании: Дисс... д-ра филол. наук. – Новгород, 1999. – 382 с.; Ковтун Е.Н. Типы и функции художественной условности в европейской литературе первой половины XX века: Дисс... д-ра филол. наук. – М., 2000. – 304 с.; Ликинская И.С. Проблема условности в искусстве: Дисс... канд. философ. наук. – М., 2001.; Глинкина Н.А. Роман Ф.Сологуба “Творимая легенда”: Проблема художественного синтеза жизнеподобия и условности: Дисс... канд. философ. наук. – Ульяновск, 2003. – 150 с.; Грушевская В.Ю. Художественная условность в русском романе 1970-х-1980-х годов: Дисс... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2007.; Перепелицина Н.В. Типы художественной условности в русской прозе рубежа XX-XI в.в.: на материале романов “Кысь” Т.Толстой, “Город Палачей” Ю.Буйды: Дисс... канд. филол. наук. – Бурят, 2010. – 170 с.; Ши Сяолун. Художественная условность в формировании образа другого в творчестве Чингиза Айтматова: Магистерская диссертация. – Екатеринбург, 2013. – 105 с.; Алиев С.Б. Вторичная художественная условность в романе Л.М. Буйда “Пирамида”: Дисс... канд. филол. наук. – Тверь, 2014. – 165 с.; Султонғалиева Р.Б. Исследование компонента художественной условности в литературных произведениях // Bulletin D’EURUTALENT-FIDJIP: Международная академия КОНКОРД, 2015. – С. 84-86; cyberleninka.ru.

³ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.– 392 б.; Ҳайитметов А. Навоий дostonларида шартли тасвир / Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 216 б.; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: С.Аҳмедов х/н, 2004. – 128 б.; Тўйчиев У. Ўзбек адабиётда бадиийлик. Мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 508 б.; Раҳимжонов Н. Истиклол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2012. – 328 б.; Болтабоев Ҳ. Шартлилик табиати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. №5. – Б. 34-38.; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. Услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар. – Ташкент: Фан, 1992. – 104 б.; шу муаллиф. Истеъдод ва услуб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – 26 б.; Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1978. – 224 б.; Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент:

бадий шартлиликнинг табиати ҳақида қисқа назарий қайдлар, шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари (достон, эртак, афсона, латифа, лоф, топишмоқ, асотир, кўшиқ ва ҳ.зо)да бадий шартлиликнинг тур ва воситалари, халқ эртакларида синов мотиви генезиси ва поэтикаси ўрганилган.

Юқоридаги тадқиқотларда гарчанд, бадий шартлиликнинг назарий табиати ва унга доир масалалар маълум даражада ўрганилган бўлса-да, ҳозирги ўзбек насрида бадий шартлилик масаласи алоҳида фундаментал тадқиқот сифатида тадқиқ этилмаган. Муаммонинг ўзбек адабиётшунослигида яхлит тарзда ўрганилмаганлиги масаланинг монографик тарзда тадқиқ этилиши муҳимлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ишлари режасидаги ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадий шартлиликнинг янги хил ва кўринишларини аниқлаштириш, киноявий, неомифологик, абсурд адабиётга хос шартли воситаларни ўрганиш ҳозирги ўзбек насрининг муҳим бадий хусусияти эканлигини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди:

бадий шартлиликнинг илмий-назарий ва эстетик табиатини очиш;

ўзбек мумтоз адабиётида бадий шартли тасвирнинг романтик, реалистик, дидактик, тасаввуфий тарзда намоён бўлишини аниқлаш;

киноявий бадий модус яратишда лиро-романтик киноя, масхараомуз киноя, беозор киноя, сўз ўйини, сарказм, парадокс, ниқобли образлилик ва унинг бадий хусусиятларини очиб бериш;

романтик киноя, киноявий муносабатнинг кўпёқламалилиги, киноявий тақлидий асар, танқидий руҳ, ички диалогизмнинг серкирралигини кўрсатиш;

ҳозирги ўзбек насрида юзага келган Жажман, Сизиф, Химер (Шайтон) неомифолегемаларининг яралишида шарқ ва ғарб адабий синтезининг воқеъ бўлиши, метаморфоза мотиви ўзбек халқ оғзаки ижоди ва жаҳон насри анъаналари таъсирида пайдо бўлганини илмий асослаш;

Камалак, 2016. – 464 б.; Қуроноф Д., З.Мамажонов., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 400 б.; Холмирзаева С.Ш. Ўзбек халқ эпосидаги бадий шартлиликнинг ўзига хос хусусиятлари: Филол. фан.номз... дисс. – Тошкент, 1990. - 139 б.; Назарова Ш.И. Ўзбек халқ эртакларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD)... дисс... автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.

ўтган асрнинг 80-йиллар охирида ва 90-йиллар бошида ўзбек насрида абсурд адабиёт унсурларининг вужудга келиши ва бу давр насри қаҳрамонига хос бўлган тушкунлик, фожиавийлик, умидсизликнинг бадиий-функционал хусусиятларини ёритиш;

ассоциатив образлилик ҳодисасининг Ота ва Бўри руҳиятида қаршилантирилиши ҳамда бола тарбиясида орифона ва жоҳилона муносабатни икки халқ ҳаёти мисолида бадиий ёритишнинг ўзига хослигини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги ўзбек насри ва жаҳон адабиётидаги мавзу доирасига тааллуқли асарлар, Э.Аъзам, А.Аъзам, Н.Норматов, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Бўтаев, Н.Р.Муҳаммад, Н. Эшонкул, У.Ҳамдам, И.Султон, Б.Қобулнинг роман, қисса, ҳикоя, новелла ва эсселари олинди.

Тадқиқотнинг предмети бадиий шартлиликнинг табиати ва талқини, унинг киноя, неомиф, абсурд унсурлар, ассоциатив образлилик каби янги бадиий воситалари талқинини ҳозирги ўзбек прозаси мисолида тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда аналитик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, психологик, структурал, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шартлиликнинг санъат асари учун муҳим эстетик категория эканлиги, шунингдек, бадиий асарнинг ҳам муҳим бадиий шартли эканлиги асосланган;

ўзбек мумтоз адабиётида бадиий шартли тасвирнинг романтик, дидактик-реалистик, тасаввуфий, рамзий, фалсафий, аллегорик, мажозий, метафорик моҳиятида шартлилик табиати адабий-эстетик категория эканлиги асосланган;

70-йиллар адабий авлоди асарларида киноявий бадиий модус, унга хос восита ва кўринишлар, жумладан, киноявий образ, ниқобли образлилик, пародия, парадокс, танқидий руҳ, сарказм, киноявий муносабатнинг кўпёқламалилиги, романтик киноявий образ яратиш каби янги бадиий-услубий изланишлари ҳозирги ўзбек насрида алоҳида муҳим тенденция сифатида шакллангани аниқланган;

рус адабиётининг улкан сатирик намояндаси Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар” асарига киноявий тақлидий пародия сифатида яратилган “Эски арава” қиссасидан кўзда тутилган мақсад, ёзувчининг бадиий-ғоявий жиҳатдан сўз муддаоси ва нияти асослаб берилган;

ҳозирги ўзбек насрида пайдо бўлган Химер, Жажман, Сизиф неомифолегемалари, умуман, неомиф насрга хос муҳим бадиий-ғоявий жиҳатлар, мифологик образлар яратилишида шарқона исломий ҳамда ғарбона насронийлик асосидаги илғор ижодий анъаналар, улуғвор ғоялар таъсири, оригиналлик масалалари очиб берилган;

метаформоза ҳодисаси ҳам неомифологик бадиий шартлилик воситаси бўлиб, қаҳрамоннинг бирор деталь орқали (гиёҳ ёки кўзгу)

ёки ҳеч қандай воситасиз тўла ҳолда (итга эврилиш) ёхуд қисман эврилишга учраши (чумолилар суҳбатини эшитишга қодир бўлиш, кўз қорачиғининг хонага эврилиши каби) ҳодисаси бевосита жамият ва қаҳрамон руҳиятидаги чуқур таназзулдан дарак бериши исботланган;

“абсурд вазият” ҳамда “абсурд қаҳрамон” талқини орқали юзага келган “ўз ичига беркинган одам”нинг руҳий таҳлили ва талқини муҳим адабий йўналиш сифатида воқеъ бўлгани далилланган;

Ота ва Бўри образлари ўртасидаги ўхшаш ёки фарқли руҳий нуқталарнинг қиёсланиши, Ёзувчи ва Ўргимчак образлари ўртасидаги ювошлик ва ўлжабозлик руҳий ҳолатларнинг умуммуштараклиги, фарзанд тарбияси билан боғлиқ муносабатда туркқишлоқ одамлари ва лўлиларнинг икки хил муносабатини таққослаш натижасида пайдо бўлган ассоциатив образли тасвир моҳияти асарлар таҳлили билан белгилаб берилган.

Диссертациянинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

дунё адабиётшунослигида бадиий шартлилик масаласини тадқиқ этиш антик даврдан эътиборан алоҳида йирик илмий муаммо сифатида муҳим илмий аҳамият касб этиши ўзбек насри мисолида асосланган;

ўзбек мумтоз адабиётида қўлланилган шартли тасвирлар аслида, халқ мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди, Қуръони каримга таянилганлиги классик ижодкорлар яратган дoston, нома, мунозара, масал каби жанрлар мисолида аниқланган;

ҳозирги ўзбек насрида алоҳида йўналиш сифатида шаклланган киноявий бадиий модусли асарлар таҳлили орқали киноявий бадиий маънони ҳосил қилишда иштирок этувчи сарказм, сўз ўйини, ниқобли образлилик, рамз, метафора, матн услубидаги киноя, истехзо, кесатикларнинг ўрни аниқланган;

киноявий муносабатнинг кўпёқламалилиги, муаллиф кинояси, қаҳрамон кинояси, “Соясини йўқотган одам”, “Пуфак одам” каби романтик киноявий образлардан кўзда тутилган бадиий мақсад ва янгича бадиий топилмалар кўлами кенгайгани очиб берилган;

киноявий тақлидий қисса жанрининг ҳозирги ўзбек насрида пайдо бўлгани, Гоголь аънаналарининг қайта тирилиши, образлар трансформацияси, сюжет ва образ яратишдаги издошлик ҳамда оригиналлик кўрсатилган;

неомиф наср хусусиятлари, Жажман, Сизиф, Химер каби неомифологик образлар яратилишида ғарб ва шарқ ижодий аънаналарининг адабий синтези, ижодий-услубий янгиланишлар исботлаб берилган;

метаморфоза ҳодисасининг ҳозирги ўзбек носирлари ижодида юз бериши, бу ҳодисанинг миллий ҳамда ташқи адабий таъсир доирасида вужудга келиши асосланган;

абсурд адабиётга хос умидсизлик, тушкунлик оҳанги, ўз ҳаётидан, жамиятдан норозилик кайфиятининг бадиий ифодаланиши

туфайли пайдо бўлган “абсурд вазият” ва “абсурд қаҳрамон” ҳозирги ўзбек насри негизида исботланган;

янгича образли бадиий тафаккурнинг юзага келиши, бадиий шартлилик масаласи билан боғлиқ илмий хулосалар ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён ва адабиётшунослик фанларидан яратиладиган дарслик ва кўлланмаларнинг янада мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилгани, чиқарилган илмий-назарий хулосалар ва таҳлилларнинг аналитик, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, структурал, герменевтик, таснифлаш, тавсифлаш, контекстуал каби усуллар билан асослангани, ишончли назарий манбаларга таянилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти ҳозирги ўзбек насрида асосий тенденция сифатида кўриниш берган киноя, неомифологизм, метафора, метаморфоза каби янгича бадиий услубий изланишларнинг илмий-назарий жиҳатдан белгиланишида намоён бўлиб, тадқиқот натижаларидан бадиий шартлилик табиати ва унинг янгиланган хил, кўринишлари хусусида монографик тадқиқотлар, шунингдек, янги давр ўзбек адабиёти тарихини яратишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти олий ўқув юртларининг филология факультетлари, академик лицейлар учун “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиёт тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Янги ўзбек адабиёти” фанлари ва ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув кўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, махсус курс ва танлов машғулотида ўтказишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек насри ва унга хос бадиий шартлилик масаласи бўйича олиб борилган тадқиқотлар, олинган илмий натижалар қуйидаги асосда жорийланган:

Бадиий шартлилик муаммосининг рус-европа ва МДХ давлатлар адабиётшунослигида ўрганилиши, унинг назарий илмий-эстетик асослари, ўзбек бадиий тафаккури тараққиётида бадиий шартлиликнинг диний-мифологик, дидактик, романтик, реалистик, модернистик кўринишлари ва воситалари шаклланиб, ўзгарганлигини аниқлаштиришга доир хулосаларидан ФА-Ф1-ГО40 “Ўзбек адабиётшунослиги қиёсий адабиётшунослик аспектида: таъсир ва типология” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 23 июндаги №3/1255-1301-сонли маълумотномаси). Натижада ҳозирги ўзбек насрида реалистик анъанавий шартлиликнинг турланиб, мазмунан ҳамда шаклан бойиб, киноявий, неомифологик, ассоциатив, рамзий-модернистик шакллари вужудга келгани, ҳозирги ўзбек насрида киноявий (Э.Аъзам, А.Аъзам,

Ш.Бўтаев, Н.Р.Муҳаммад), неомифологик (Ш.Бўтаев, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Нормат, Н.Эшонқул), рамзий-модернистик (Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, Ш.Бўтаев, У.Ҳамдам), ассоциатив (И.Султон, Б.Қобул, У.Ҳамдам) бадиий шартлилик зоҳир бўлгани асосланган;

бадиий шартлилик аслида ўзбек ва умуман, Шарқ мумтоз адабиётида дидактик реалистик адабиёт сифатида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Носириддин Бурҳониддин Рабғузий, Алишер Навоий асарларида воқеъ бўлгани хусусидаги хулосалардан А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3180-сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хамса” дostonларидаги метафора, рамз, мажозий тимсол сингари рамзий, фалсафий тасаввуфий бадиий ғояларни ифодаловчи шартли воситалар таҳлили ва уларнинг аҳамияти грант хулосаларига асос бўлган;

ҳозирги ўзбек насрига хос бадиий шартлилик муаммоси (реалистик, модернистик, киноявий, неомифологик), унинг тур ва кўринишлари, мустақиллик даври ёзувчилари ижодида намоён бўлган шартли-рамзий мажозий услуб, қаҳрамон ва давр муаммоларини ёритишдаги ижодий янгиланишларга доир илмий-назарий қарашлардан АҚШнинг Атланта шаҳридаги Эмори университети Ислom цивилизациясини ўрганиш Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёшунослик кафедрасида Ўрта Осиёлик аёл ёзувчиларнинг дин, оила ва жамиятга бўлган муносабатларини ўрганувчи илмий тадқиқотда фойдаланилган (Эмори университетининг 2019 йил 26 августдаги маълумотномаси). Натижада истиқлол даври ўзбек насрида аёл образининг янги бадиий талқинини ўрганиб, кузатишга имкон яратилган;

ҳозирги ўзбек прозасида пайдо бўлган янги услублар киноя, рамзий-модерн наср намуналари, бундан ташқари, бадиий шартлилик муаммосининг рус, ўзбек ва бошқа халқлар адабиётшунослигида ўрганилиши каби илмий муаммоларни тадқиқ этишга доир илмий-назарий қарашлардан Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон адабий алоқалари” бўлимида озарбайжон адабиётшунослари томонидан фойдаланилган (Низомий номидаги Адабиёт институтининг 2019 йил 14 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада, ҳозирги ўзбек ёзувчиларидан Э.Аъзам, А.Аъзам, Ш. Бўтаев, Н.Р.Муҳаммад, У.Ҳамдам, И.Султон, Қ.Норқобилларнинг ҳаёти ва асарлари, шунингдек, А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижодининг янги архив материаллари асосидаги тадқиқоти илмий манбаларни ўрганишга асос бўлиб хизмат қилган;

ҳозирги ўзбек насрида рамзийлик, метафора, киноя, миф, неомиф рамз ва бошқа муаммоларни ўрганишга оид илмий-назарий хулосалардан Боку давлат университети талабаларига маъруза ва махсус курсларни ўтишда фойдаланилган (Боку Евроосиё университети “Турк ва хорижий ўлка филологияси” факультетининг 2019 йил 9 октябрдаги маълумотномаси). Натижада Озарбайжон олий ўқув юртлари талабаларининг туркий халқлар адабиёти, хусусан, ҳозирги ўзбек насри тўғрисидаги билимлари янги маълумотлар билан бойитилишига эришилган;

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Адабий жараён”, “Дунё адабиёти”, “Мактублар”, “Бедорлик” кўрсатув ва радиоэшиттиришлари учун диссертация натижалари бирламчи методологик асос бўлиб хизмат қилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” каналининг 2019 йил 6 сентябрдаги 01-14/380-сон; 2020 йил 3 сентябрдаги 04-25-793-сон маълумотномалари). Натижада Э.Аъзам, А.Аъзам, Ш.Бўтаев, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, И.Султон, Б.Қобул ижодига хос муҳим бадиийлик хусусиятлари, прозанинг турли жанрларидаги бадиий-услубий ижодий изланишлари ҳақидаги илмий-таҳлилий кузатишлар теле ва радиотингловчиларнинг катта қизиқишига сабабчи бўлган, ҳозирги адабий жараён муаммолари ва масалалари бўйича турли адабий, илмий-маърифий кўрсатув ҳамда эшиттиришлар савиясини янада оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йиллик проза ва адабий танқидчилик кенгашларида тадқиқот натижаларидан унумли фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 1 ноябрдаги №01-03-07/1232-сонли маълумотномаси). Янги ўзбек насрига хос тадқиқот натижалари орқали проза кенгашида қилинган йиллик илмий маърузаларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 7 та халқаро ва 15 та республика илмий конференциясидаги маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 2 та, шу мақомдаги республика журналларида 18 та, шунингдек, бошқа хорижий ва маҳаллий нашрларда 40 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 280 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тақиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги асосланиб, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган. Диссертация мавзусининг иш бажарилган муассасанинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқ усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги далилланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация жами тўрт бобдан иборат. Диссертациянинг I боби **“Бадиий-эстетик тафаккур такомилда шартлилик ва ўзбек насри”** деб аталган. Унинг биринчи фасли **“Бадиий шартлиликнинг илмий-назарий асослари ва масаланинг ўрганилиш тарихи”** деб номланган. Мазкур фаслда бадиий адабиётдаги “шартлилик” масаласини тушунтириш ва ўрганиш борасида илмий-назарий фикрлар билдирган ҳамда изланишлар қилган Иззат Султон, М.Қўшжонов, А.Ҳайитметов, Б.Саримсоқов, У.Тўйчиев, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронов каби олимларнинг тадқиқот ва мақолаларидаги муҳим маълумотлар жамланди, қиёсланди, умумий хулосалар чиқарилди.

Иззат Султон бадиийликнинг муҳим шартлари сифатида ҳаққонийлик, самимийлик, мазмун ва шаклнинг бир-бирига мослиги, бадиий тилни кўрсатса, Б.Саримсоқов эса устозининг фикрларини бироз янгилаб, бадиийлик шартларини янада тўлдириб, мукаммаллаштиришга ҳаракат қилади: “Адабиётшуносликда шартлилик атамаси икки маънода қўлланилади. Биринчиси – бадиий асарда акс этган воқеликнинг реал воқеликка муносабатидаги шартлилик, яъни асар воқеаларининг ҳаётийлик, санъат қоидаларига кўра мослик даражаси. Шартлилик атамасининг ушбу маъноси унинг фалсафий талқинига мос келади. ...Иккинчиси – бадиий асарда иштирок этувчи қаҳрамонлар, уларнинг хатти-ҳаракати, руҳий кечинмалари туфайли содир бўладиган воқеалар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатидаги боғланишлар маъноси, яъни бадиий шартлиликнинг тор, хусусий маъноси”¹. Дарҳақиқат, асар бадиийлиги дейилганда, олим жуда тўғри кўрсатганидек, шартлиликнинг иккинчи маъносига ҳар доим диққат қаратилади. Иззат Султон “Адабиёт назарияси” китобининг тўртинчи бобида “бадиийлик мезонлари”

¹ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Тошкент: Аҳмедова, 2004. – Б. 110.

деган терминни “бадийлик критериялари” деб ишлатади¹. Б.Саримсоқов “Бадийлик асослари ва мезонлари”, У.Тўйчиев “Бадийлик асослари ва маромлари”, Д.Қурононов “Бадийлик модуси” деб ишлатади. Бу терминлар барчаси “бадий шартлилик”ка мос келади.

Иззат Султон, Б.Саримсоқов, У.Тўйчиевлар адабиёт назарияси бўйича олиб борган узоқ йиллик илмий кузатишлари натижасида ҳақиқий санъат асари учун муҳим бўлган бадий мезонлар (бадий мезонларни – шартлилик табиати сифатида қабул қилиш мумкин. – М.Қ.)ни белгилаб кўрсатишади. Масалан, Б.Саримсоқов бадий асар учун муҳим бўлган бадий мезонлар қуйидагилардан иборат деб ёзган: “Мазмун ва шакл бирлиги, тасвир ва ифоданинг ҳаққонийлиги, пафоснинг ҳаётийлиги ва тиниқлиги, тасвир ва ифоданинг аниқлиги, изчил тизимлилик, оригиналлик, эстетик баҳо”².

Ҳозирги ўзбек насрида юз берган бадий шартлилик хусусиятларини ўтган асрнинг юз йилида кечган бадий шартли усуллар билан қиёслаб бўлмайди. Бугун энди “неомифологизм”, “интертекстуаллик”, “ассоциатив образлилик”, “фантасмагория”, “абсурд адабиётга хос унсурлар”, “неореализм”, “романтик киноя”, “метаморфоза”, “киноявий тақлидий пародия” унсурлари пайдо бўлди. Ҳозирги ўзбек ёзувчилари адабий тажриба тўплаш ва ўз даврининг муаммоларини ёритишда, давр кишиси образини адабиётга муҳрлаш ҳамда юксак бадиият яратиш йўлларида ХХ аср ўзбек адабиётининг йирик салафлари изидан бормоқда. Хуллас, бу фаслда “Бадий шартлиликнинг” илмий-назарий асослари нима деган саволга жавоб беришга уринган қатор ўзбек, қардош ва рус-европа олимларининг тадқиқотлари таҳлил этилди.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли **“Ўзбек мумтоз адабиётида насрга хос шартли тасвир”** деб номланган. Унда Юсуф Хос Ҳожиб, А.Югнакий, Рабғузий, Хоразмий, Амирий, Алишер Навоий, Бобур, Гулханий ва ҳакоза адиблар асарларидаги мумтоз бадиият унсурлари ўзбек адабиётидаги шартлиликнинг генезиси сифатида таҳлил қилинди. Бадий шартлиликнинг қадимий восита ва кўринишларини ХІ асрда Ўрта Осиё ёки, умуман туркий халқларнинг муштарак бадий обидалари бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” асарларида кузатиш мумкин. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хамса” ва, айниқса, унинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”да дидактика элементлари устуворлик қилади. Айтиш мумкинки, мазкур асарларда асосан, **дидактик бадий шартлилик** етакчилик қилади. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг дунё илмини, жаҳон турколог олимларини лол

¹ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 220-228.

² Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Тошкент: С.Аҳмедова, 2004. – Б. 90-109.

қолдирган асари “Қутадғу билиг” асарида бадиий шартлиликнинг панднома, ўғит, мактуб-васиятнома¹, савол-жавоб, мунозара, рамз ва метафорик ассоциатив фикрлаш, ирсоли масал, эпик баёнчилик элементлари кенг миқёсда қўлланилган.

Юсуф Хос Ҳожиб дoston бадиий матнини яратишда метафорик бадиий шартлиликдан унумли фойдаланади. Хусусан, дostonда ташбеҳ, истиора, жонлантириш, сифатлаш, талмеҳ каби кўпдан-кўп бадиий санъатлардан муаллиф маҳорат билан истифода этганини қайд этиш лозим.

“Ҳибатул-ҳақойик” (Аҳмад Югнакий), “Қисаси Рабғузий” (Рабғузий) асарлари ҳам туркий халқларнинг бадиий тафаккурининг ривожланишида, хусусан, бадиий шартлиликнинг кўринишлари ва воситаларининг ёзма адабиётда воқеъ бўлишига жуда катта фундаментал асос бўлди. Бу дostonларнинг бадиий композицияси, сюжети, образли тасвирлари, бадиий тасвирий воситаларнинг кўплиги ва ровий образининг мукамал ишланишида кўзга ташланади. Бундай мухташам асарларнинг яратилиши учун туркий халқлар адабиётида улкан бадиий-ижодий юксалиш бўлгани аниқ. Масалан, мазкур асарларга туркий халқлар оғзаки ижоди ва бошқа таржима ва адабий алоқаларнинг ҳам, Куръони карим ва унга ёзилган шарҳлар, Ҳадисларнинг ҳам катта таъсири бўлган.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўзининг беш дostonи (“Хамса”), тўрт девони (“Хазойин ул-маоний”), “Қуш тили” номли аллегорик рамзий-киноявий дostonи (“Лисонут тайр”), фалсафий дидактик мазмундаги бир қатор асар (“Маҳбуб ул-қулуб”)лари билан туркий тил (ўзбек тили)нинг нақадар бой ва жозибадор тил эканлигини исботлаган Алишер Навоий асарларида қўлланган бадиий шартли воситаларга ҳам диққат қаратилган. Навоий Шайх руҳидан мадад олиб яратган “Лисон ут- тайр”да тасвирланган қушлар, семурғ, етти водий рамзий маънода тасаввуфнинг 7 та риёзат босқичи (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру фано)ни баён қилади. Дostonда бадиий шартлиликнинг *рамзий, аллегорик, киноявий, тамсилӣ, тасаввуфӣ фалсафӣ дидактик воситаларини* кузатиш мумкин. Дostonда қушлар хатти-ҳаракати ва табиатига монанд тамсил этилган ўнлаб қисса ва ҳикоятлар “қолиплаш” бадиий *приёмидан* маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади. “Лисон ут- тайр”да ҳам қолиплаш бадиий усули етакчилик қилади. Бу усулни “асар ичидаги асар” деб баҳоласак ҳам бўлади. Бу бадиий усул Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonлари композициясида ҳам катта маҳорат билан ишлатилган. Ўрганишимизга кўра шуни билдикки, Қўқон адабий муҳитининг истеъдодли вакиллари билан бўлган

¹ Ражабова Б. “Қутадғу билик”да васиятнома адабий жанри / Муштарак адабий ходисалар. – Тошкент: Мухаррир. 2019. – Б. 13-27.

Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида ҳам “қолиплаш” бадиий усулидан ниҳоятда нуқтадонлик билан истифода қилинган.

Диссертациянинг II боби “**Янги ўзбек насрида киноя**” деб аталади. Мазкур боб уч фаслдан ташкил топган. Бу боблардаги фаслларда киноявий бадиий модусда ижод қилаётган Э.Аъзам, А.Аъзам, Ш.Бўтаев ва қиёсларда Н.Р.Муҳаммад асарлари таҳлил этиб берилди. Бобнинг биринчи фасли “**Киноянинг турлари, сарказм ва сўз ўйини**” деб номланган. Унда Эркин Аъзам насрига хос бадиий шартли унсурлар киноя, пародия, кесатик, истехзо, сарказм, ниқобли образлилик, рамзий-ҳалқали киноявий шартли тасвир, лақаб қўйиш, парадокс, сўз ўйини каби қатор бадиият унсурлари таҳлил этиб берилди. Ўзбек адабиётида 70-йиллар адабий авлоди (А.Аъзам, Э.Аъзам, М.М.Дўст, Х.Султон) яратган роман, қисса ва ҳикояларда илк бор киноявий модусли асарлар вужудга келди. Жумладан, Э.Аъзамнинг “Пиёда” ҳикояси қаҳрамони Бердибой ҳам ўзбек адабиётида яратилган киноявий образнинг етук бир кўриниши саналади. Дон Кихот (Сервантес), Мулла Норқўзи, Фахриддин (А.Қаҳҳор), Бердибой (Э.Аъзам) образларини яхлит бирлаштирадиган сифат бу – руҳиятидаги *гаройиблик*. Улар ғалати руҳиятга эга образлар саналади. Э.Аъзам насрини тадқиқ этган Н.Владиминова адиб ижодида учрайдиган шу типдаги образларни “Эркин Агзамовские чудаки” деб таърифлаган. Ҳақиқатан ҳам Э.Аъзамнинг Рамазон (“Анойининг жайдари олмаси”), Бердибой (“Пиёда”), Тўракулбой (“Файзининг амакиси”), Кўкалдош (“Боғбололик Кўкалдош”), Асқар Шодиев (“Отойининг туғилган йили”), Сафура (“Байрамдан бошқа кунлар”) каби образлари Н.Владиминова таърифидаги образлардир. Уларни “*гаройиблик*” сифати бирлаштиради. Рамазон – кўнгли тоза, бир қоп ёнғоқдек шалдуршулдир, покиза инсон, Бердибой – оила аъзоларининг бир жамоа бўлиб яшашини истаган қайсар, ўжар одам, Тўракулбой – бошқачароқ ҳаётни, бошқача одам бўлишни орзу қилган, аммо эплай олмаган киши, Кўкалдош – “етим” сўзини елкасида ортмоқлаб, ниҳоят отасининг кимлигини билиб, фахрлана бошлаган ўзгача характерга эга, Асқар – ўлгудек қайсар, ҳақиқатпараст одам, Сафура – ҳаётдан завқ, маъно излаган тантиқ аёл образи, хуллас уларнинг ҳар бири одатдан ташқари ғалати феъл-атворли одамлар.

Пакана (Э.Аъзам “Пақананинг ошиқ кўнгли”) – унга қўйилган лақаб, асардаги кучли иронияни ўзида акс эттирган. Адиб қаҳрамоннинг ташқи камчилиги, яъни бўйи пастлиги, устига-устак каллигини жиддий нуқсон сифатида бўрттириб кўрсатади. Адиб шу орқали, яъни инсон жисмидаги камчилик туфайли кўнгли озурда бўлган, охир-оқибат аламзадага айланган шахснинг трагикомик ҳиссиётларини, ҳаётини, Пақананинг кўнгил дунёсини яратишда хунук, кўримсиз ташқи қиёфанинг руҳиятга салбий таъсирини

қаламга олса, Бердибой (“Пиёда”) рухий оламидаги контраст туйғулар, парадоксли мулоҳазакорликни асос қилади.

Э.Аъзам “Пакананинг ошиқ кўнгли” қиссасида **юмористик ирония**дан фойдаланган бўлса, “Шоирнинг тўйи”, “Чапаклар ва чалпаклар”, “Тули-гули”да киноянинг ўткир формаси - **сарказм**ни қўллаган. Адабиётшунос олимлар **“ирония”** билан **“сарказм”** ўртасида нозик фарқ борлигини қайд этишади, сарказм - киноянинг ўткир формаси, реал воқелик билан бадиий воқелик ўртасида юпқагина парда тортилган бўлади. Парда ортидаги воқелик, реал шахсларни таниб-билиб, айнан ким эканлигини аниқ билмасак-да, ундаги рамзлар, ишоралар воситасида уларнинг кимлиги ва ҳаққоний тарихий-ижтимоий, адабий давр ҳақида хабардор бўламиз. “Шоирнинг тўйи” қиссасининг қаҳрамонлари, воқеалар, адабий жараён (катағонга учраган Оташқалб шоир таваллуди айёми), сиёсий ўйинлар китобхонга жуда таниш бўлган манзаралар ҳақида ҳикоя қилади. Шу боис мазкур асарда қўлланган киноявий бадиий шартлилик воситасини **сарказм** деб атадик. Қисса бошдан-оёқ сарказм асосига қурилган. Асар қаҳрамонлари аниқ бир атоқли исм (от) билан аталмайди. Бинобарин, Оташқалб шоир – катағонга учраган истеъдодли шоир, ўтли қалам соҳиби; Оқсоқол шоир – даврнинг сиёсий ўйинларига чап бериб келган ижодкор; Жасур ёш шоир – Оташқалбнинг шогирди, навқирон истеъдод эгаси; Мовийкўз – икки ижодкор дўст - Оташқалб билан Оқсоқол шоир ўртасида талаш бўлган гўзал аёл, аслида айғоқчи (русларнинг агенти) хиёнаткор, сотқин; Жиянбека – Оташқалбнинг номи остида катта мансабларни кўзлаган ниқобдор; Мафкурахоним – давр ғояларининг содиқ қули, раҳбар лавозимдаги аёл; Тепакал – аёлларнинг кушандаси, Дон Жуан; Заҳматкаш домла – ҳақиқатни юзага чиқаришга интилаётган чин олим; Ажойиб домла – Оташқалбнинг ҳаёти ва ижодини афсонавийлаштириб ташлаган пафоси кучли, замонасоз олим; Алвастихоним, Маъшуқахоним – булар мавқе, машҳурлик, бойлик учун эркаклар қўлида қўғирчоққа айланган аёллар; Маддох ака – даврни мадҳ этувчи мадҳиябоз; Таъқибкор – мавжуд давлатнинг ишончли одами (КГБ) образи. **Ниқобли образлар** – Э.Аъзамнинг киноявий асар яратишдаги янгича бадиий шартлилик воситаси ўларок яратилган. Э.Аъзамнинг навбатдаги қиссаси “Чапаклар ва чалпаклар”да ҳам ирониянинг ўткир формаси - **сарказм** истифода этилган. Қиссада мамлакатда энг катта ижтимоий-сиёсий муаммога айланган **“шахсга сизиниш”**нинг даҳшатли оқибатлари (кўр-кўрона социализм, коммунизм ғояларига ишонч, қашшоқлик, қария-ногиронларнинг жамиятга кераксиз буюм сингари улоқтирилиши, сирти ялтироқ, ичи қалтироқ халқ ҳаётини “бахтли”, “тўкин-сочин”, “замонавий”, “озод ва обод”, “саранжом-сариништа” мамлакат, халқ сифатида хўжакўрсинга ёки номига кўрсатиш, инсон наслининг кадрсизланиши, инсоний туйғулар ва муносабатларнинг

тахқирланиши) Буриё халқи ҳаёти мисолида ҳикоя этилади. Бутун бошли миллат Хон Ман Меннинг шахсига сиғиниб орзулари, кўнгил хоҳишлари, истаклари, эркаликларини амалга ошириш учун кеча-кундуз хизматда туради.

Э.Аъзамнинг “Тули-гули” қиссаси ҳам ўткир ирония воситаси – сарказм асосига қурилган. Бизнингча, сарказм бадиий шартлилик воситасида яратилган асарлар театрлаштирилган сахнавий ижрога ўхшайди. Унда гўёки актёрлар, томашабин ва китобхон иштирок этаётгандек таассурот қолдиради. Хусусан, Э.Аъзамнинг юқорида таҳлилга тортилган “Шоирнинг тўйи”, “Чапаклар ва чалпаклар мамлакати”, “Тули-гули”, “Аралашқўрғон” асарларида шу ҳолат яна кузатилади; уларда сарказм бадиий шартли воситаси маҳорат билан қўлланилган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Киноявий муносабатнинг кўпёқламалилиги ва романтик киноя”** деб аталади. Бу фаслда киноявий бадиий модусда ўзгача тарзда ижод қилган Аҳмад Аъзам ижоди таҳлил этилди. Романтик киноявий услуб яратган ижодкорнинг “Соясини йўқотган одам” ҳикояси Н.Р.Муҳаммаднинг “Пуфак” ҳикояси билан қиёсан таҳлил қилинди. Ўзбек адабиётшунослигида А.Аъзамнинг ўзига хос кинояси М.Шералиева томонидан ўрганилган¹. Олима ўз тадқиқотида ёзувчининг “Одамнинг олasi ичида” ҳикоясини “киноя – объектга кўп ёқлама қараш” муаммоси юзасидан таҳлил этиб берган. Киноявий бадиий модусда баракали ижод қилган А.Аъзамнинг “Ғулистон ёхуд Ғулистонга сафар” романи, “Аскартоғ томонларда” қиссаси, “Соясини йўқотган одам”, “Ойнинг гардиши”, “Тугмачагул” каби ҳикоя ва новелларида қўлланилган киноявий муносабатнинг кўпёқлама кўринишларини таҳлил этиш мумкин. Муаллифнинг бадиий асарларида яққол кўзга ташланадиган оригинал бадиий ифода, тасвирдаги ўзгачалик, қаҳрамоннинг ўзини ўзи таҳлил қилиш (самоанализ), ўзини ўзи тафтиш этиш, қаҳрамоннинг нафақат атрофга, жамиятга танқидий-киноявий муносабатда бўлиш, қаҳрамон ҳаёлида иллюзия яратиш, мозаика асосига сюжет куриш, рамз ва метафораларга ўчлик китобхонни хушёр торттиради.

А.Аъзам ҳикоялари орасида “Ойнинг гардиши” ҳикояси, айниқса, ўзининг лирик кечинмали талқини, қишлоқ одамларининг оддий ва содда ҳаётини китобсевар бола тилидан, болаларча тил билан баён этиб бериши билан ўқувчини хайратлантиради. Назаримизда, ҳикояда марказий ўринга қўйилган Бола ва Ой образлари мана шу юқоридаги парчада ўзининг кульминацион нуқтасига чиқади. Бола тушида оқ қўйни миниб олиб, қўрадан чиқиб кетиш учун уринади. Лекин эшик тополмайди, ойнинг ойдин ёруғи,

¹ Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б. 67-81.

унинг кўзларини қамаштиради. Бизнингча, ҳикояда ой ва кўтонлаган ой, бола ва оқ кўй образлари тимсолли рамзларга айланади. Яъни, кўрғонланган ой – биқиқ муҳит рамзи. Ойнинг гардиши – жамиятдаги чегараланган анъанавий миллий кадриятлар рамзи, гардиш – чекланганлик, чегараланганлик рамзи, ойнинг кўтонлаши – бир хил ҳаёт, ижтимоий тузумга, анъанавий миллий кадриятларга ўралишиб қолган ўзбек халқининг ҳаётига рамзий ишоралардир. Оқ кўйга миниб олиб, йўл топа олмаётган бола – ўзбек халқининг анъанавий миллий кадриятлари билан тўқнашиб, ўзи истаганидек катта йўлга чиқа олмаётган одам рамзи. Ёзувчи инсон эркини бўғаетган анъанавий кадриятларга, тутимларга ҳам сал бошқачароқ, прогрессивроқ, эркинроқ муносабатда бўлиш кераклигини уқтираётгандек. Айнан шу нуқтада муаллифнинг ўзига хос кинояси юзага келади. Яъни А.Аъзам оддий бир ҳаётий воқелик орқали жамиятга хос “чекланган, тор, биқиқ” кадриятлар ва тутимларга танқидий муносабатини шу тарзда ниҳоятда нозиклик билан ифодалайди.

А.Аъзам ҳаёлий воқеаларни, қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан суҳбатини, ички диалогизмни жуда ўхшатиб ёзган. Муаллиф сўзларни, жумлаларни, ҳаётий тафсилий деталларни, бир-бирига занжирдай уланиб кетган ҳиссиётлар ва кайфиятларни аниқ-тиник ифодаловчи образли тасвирларни жуда ўрнида топиб битган. “Соясини йўқотган одам” ҳикоясига хос романтик киноя Н.Р.Муҳаммаднинг “Пуфак” ҳикоясида ҳам учрайди¹. “Пуфак” ҳикоясида фабрика ишчиси кунлардан бир куни пуфак шишириб, ўз қаҳрамонини яратади. Пуфак одам фабрикага Булаҳим Ҳалаев ёрдамида (пуфак одамнинг ижодкори – М.Қ.) цехга ишга киради, тинмай, югуриб-елиб ишлайди. Шалвираб, дами чиқиб қолганида эса ўз яратувчисининг олдига келади. У яна пуфакни пуфлаб кўяди. Ёзувчи Пуфак одам ва уни яратган одам тимсолида Истеъдодли одам билан Истеъдодсиз одамнинг тимсолини яратиб, метафорик образга айлантиради. Истеъдодсизнинг орқасида доимо кўринмас куч бўлиб турувчи истеъдодли киши, шунингдек, истеъдодсиз шахснинг фожиасини нафақат шахс фожиаси балки, жамият фожиаси эканини кўрсатиб беради. Шунингдек, бу фаслда, А.Аъзамнинг “Тугмачагул” новелласи ва “Асқартоғ томонларда” қиссасидаги киноявий кўпёқламалилик таҳлил қилиб берилди.

Бобнинг охириги учинчи фасли **“Киноявий тақлидий пародия”** деб аталади. Ўзбек адабиётшунослигида киноявий-пародия асарлар шу пайтгача махсус ўрганилмаган. Ваҳоланки, ҳозирги ўзбек прозаси ва шеъриятида пародия асарларнинг намуналарини исталганча топиш мумкин. Пародия – юнонча “тесқари қилиб куйлаш” маъносини беради. Пародияга адабиётшунослик луғатларида “бирон бир асар,

¹ Муҳаммад Нуруллоҳ Рауфхон. Пуфак / Этақдаги кулба. – Тошкент: Академнашр, 2014. – Б. 75-84.

ижодкор, иждодий услуб, жанр кабилар устидан кулиб ёзиш” деб таъриф берилди¹.

Истеъдодли ёзувчи Ш.Бўтаевнинг “Эски арава” қиссаси ўзининг пародиявий бадиий модуси билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Ш.Бўтаев шўро тизимидаги эскирган раҳбарият, яккахокимлик, лаганбардорлик, хушомадгўйлик, фикрсизлик авж олган паллада Гоголга суянади ва унинг сатирик услуби ёзувчига кўл келади. Гоголнинг ўткир, кинояли, захарли қаҳқаҳаси нафақат Россияни зир титратди, балки бутун дунёни ларзага солди. Унинг захарханда сатирасидан кишилик жамияти маънавий озуқа сифатида куч олди. Шу жумладан, Гоголнинг “Ўлик жонлар” асари қахрамонларини Ш.Бўтаев “Эски арава” қиссасида қайта тирилтиради. Ёзувчи Гоголнинг ўткир қалами билан ҳажв тиғи остига олинган қахрамонларга юзланади. “Ўлик жонлар” образи орқали Ш.Бўтаев жамиятдаги бутун иллатлар устидан кулиш йўлини топади. “Эски арава” қиссасига Гоголь яратган салбий сатирик типлар, яъни Чичиков, Селифан, Петрушка, Собакевич, Кошкарёв, Маниловларни олиб киради. Бундай янги бадиий шартли восита орқали ҳозирги ўзбек насрида янги адабий усул яратади. “Эски арава”да муаллифнинг ўзига хос фантазмагорияси, сатирик салбий типлар Чичиков, Селифан, Петрушка, Кошкарёв ва бошқаларнинг трансформацияси натижасида мавжуд жамиятдаги бюрократизм, турғунлик ижтимоий-маънавий инқироз ҳолатига киноя қилинади. Рус адабиётшуносларининг талқинига кўра, “Ўлик жонлар” асари италян адиби Алигъери Дантенинг “Илохий комедия” асаридан таъсирланиб яратилган. Михаил Булгаков қайта тирилтирган салбий тип Чичиков эса XX асрнинг 20-йилларига қайтиб келади ва миллиардерга айланади.

М.Булгаков сингари Ш.Бўтаев ҳам Гоголнинг сатирик образи Чичиковни XX асрнинг 80-йиллари охирида қайта тирилтиради. Ш.Бўтаевнинг “Эски арава” қиссасида Гоголь қахрамонлари жаноб Павел Иванович Чичиков хизматкорлари Селифан, отбоқари Петрушка билан эски аравада Ўзбекистонга йўл олишади. Тўғрироғи, улар жаҳаннамдан тирилиб, ёруғ дунёга қайтиб келишади. Эски замоннинг ўлик жонлари нега Ўзбекистонга керак бўлиб қолди? – деган савол туғилади. Чунки, Ўзбекистонда ҳам “Ўлик жонлар”нинг кавмлари Нишонбой Хурзамонович, Кошкарёв, Манилов, Собакевичлар бор эди. Ш.Бўтаев Гоголнинг “Ўлик жонлари” билан ўзи яратган янги “Ўлик жонлар”ни учраштиради. Натижада эса қиссада кутилмаган, кўрилмаган, шу пайтгача ҳис этилмаган янги адабий жанрдаги асар вужудга келади. Гоголона Кошкарёв образини “Эски арава” қиссасига кўчириш орқали “осмоний ғоялар”, “пуч гаплар” оғушида яшайдиган замоношларимиз устидан қаҳқаҳа уриб кулади. Гоголь иждодига хос ўткир сатира, кулги, юмор элементлари

¹ Куронов Д., ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 217.

XX аср замонавий ва бугунги кун ёзувчиларига битмас-туганмас илҳом чашмаси бўлиб беминнат хизмат қилиб келмоқда. Гоголона ташбеҳлар, сифатлашлар, гоголона батафсил тасвирийлик, гоголона эпик кўлам, гоголона аччиқ заҳарханда кулги Ш.Бўтаевни ҳам четлаб ўтмади. Гоголь ўз даврида Рус жамияти ва инқирозга юз тутган крепостнойлик тузуми ҳақида катта эпик полотнода “Ўлик жонлар”дек асарни ёзишга киришди ва уни охирига етказа олмади. Ш.Бўтаев Гоголь бадий оламидан нималарнидир ўрганиб, таъсирланиб, ҳозирги ўзбек насрида маълум маънода янгилашиш қила олди.

Диссертациянинг III боби **“Ҳозирги ўзбек насрида неомифологик шартлилик”** деб номланган. Мазкур боб ҳам уч фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл **“Жажман ва Сизиф рамзий-фалсафий тимсол”**деб номланган. Н.Владимилова ўзининг сўнгги тадқиқотида бу янгилашни англаб, шундай ёзган: “Бир қатор замонавий носирлар замонавий киши ҳақидаги ўз “миф”ларини яратиб, шу йўлга чиқиб олдилар. Неомифни яратиб, ёзувчилар инсоният йўли (туғилишидан ўлғунига қадар) ҳақидаги ҳақиқатни бадий англашнинг асл, ноанъанавий усулларини топишга ҳаракат қилишди. О.Мухтор, Н.Эшонкул, Ҳ.Исмоилов, У.Ҳамдамовларнинг ҳар бири инсоният борлигининг бадий манзарасини ўзича чиздилар ва унда анъанавий миф ва инсон тўғрисидаги янги ҳақиқатлар тажассум этади”¹.

Ўзбек адабиётида неомиф образнинг бадий жиҳатдан баркамол намунаси Х.Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикояси ҳамда “Донишманд Сизиф” романида кузатилади. Д.Қурононов, Г.Сатторова, Н.Довурбаева, Б.Рўзимухаммад, М.Қўчқоровалар жажман (“Жажман” ҳикояси ва “Бозор” романи) образи борасида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этишиб, ҳатто бир-бирларига баҳсли фикрлар ҳам билдиришди. Уларнинг жажман образи хусусидаги фикрлари қуйидагича “Жажман – еб тўймас юҳо”², “Жажман – нафс рамзи”³, “ножинс махлуқ жажман эса – шайтоний нафс рамзи”⁴. Деярли, фикрлардаги ўхшашликни, яқинликни сезиш қийин эмас. Бизнингча, Жажман – неомифологик образ, ҳикоя неомифологизм асосига қурилган, зардуштийлик таълимотига кўра иккига бўлинган олам эзгулик ва ёвузлик ҳақида ҳикоя қилади. Асар қаҳрамонлари Зардушт бобо, Ахурамазда (эзгулик худоси), Ахриман (ёвузлик худоси) ва ёзувчининг юксак бадий тафаккури натижаси ўлароқ яратилган номаълум махлуқ (бўйи бир қарич, қорнида қопчиғи бор – бу жиҳати

¹ Владимирован.В. Онтологическая художественная картина мира в современной узбекской прозе / Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Ташкент: Фан. – С. 175-176.

² Довурбаева Н. Жажманнинг жилвалари // Ёшлик. 1991. №5. – Б. 41-42.

³ Сатторова Г. Миллий характер ва бадий талқин. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 57.

⁴ Қўчқорова М. Истиклол даври ҳикоя ва қиссаларида бадий-эстетик янгилашиш / Бадий сўз ва руҳият манзаралари. Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 128.

билан кенгуруни эслатади, юзи гоҳ тулки, гоҳ сичқон, гоҳ олмахон, гоҳ одамни эслатувчи номаълум махлуқ) ва оломон (пистафуруш, жийдафуруш, ёнғоқфуруш, туршакфуруш ... фурушлар) образини ташкил этади. Ҳикоядаги немиф образ **“Жажман”** Ахриманнинг яратиғи. Зеро, бу мифологик образ ҳақида манбаларда шундай дейилади: “Ахриман илон, аждар ва бошқаларни яратади”¹. Мифологик махлуқлар образи қадимий дунё халқлари мифларида тез-тез учрайдиган образлардан саналади. Масалан, юнон адабиётида **“Сфинкс”** (Софокл “Шоҳ Эдип” трагедиясида) ва **“Бир кўзли Циклоп”** (Гомернинг “Илиада” достонида) каби даҳшатли махлуқлар образи учрайди. Х.Дўстмуҳаммаднинг **“Жажмани”** юнон мифлари натижасида яратилган Сфинкс, Циклоплардек баҳайбат, инсон юрагига кўрқув солувчи махлуқ эмас. Жажжигина, атиги бир қарич кўринишидан беозор, унинг турқи эврилишга мойил, турли хил қиёфаларга киради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Жажман”-сўзи жажжи (бола) дея изоҳланиб, Ойбекнинг “Навоий” романидан шу сўзли парча мисол сифатида келтирилган². Бизнингча, ёзувчи махлуқнинг беш хил қиёфага киришини (кенгуру, сичқон, тулки, олмахон, одам) бежиз тасвирламаган. Ҳар бир қиёфада муайян рамзий ижтимоий, руҳоний муаммолар яширин. Масалан, халқ эртақларида тулки – айёр, сичқон – текинхўр, олмахон – илгир, эпчил образ сифатида намоён бўлади. Бу эврилишдан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ёзувчи **“Жажман”** метаморфозага учровчи қиёфалар орқали жамиятдаги турли салбий ижтимоий иллатларга ишора қилади. **“Жажман”**нинг энг охириги қиёфаси **“одам”**, демак, ёзувчи чин инсон бўлиб етишмоқ учун юқоридаги ҳайвонларга хос салбий хислатларни эмас, уларга хос бўлган ижобий фазилатларга яъни, ҳаракатчанлик (кенгуруга хос, узоқ масофага чопади.), эпчиллик (сичқонга хос), ақллилик (тулкига хос), илгирлик, гўзаллик (олмахонга хос) эга бўлмоғи керак, деган рамзий-фалсафий мушоҳадалар юритади. Х.Дўстмуҳаммаднинг **“Жажман”и** кучли метафорик образдир.

Х.Дўстмуҳаммаднинг асари “Донишманд Сизиф”да ҳам неомифологизм унсурлари бўртиб кўринади. Сизифнинг гуноҳи халқ орасида тарқалган турли хил юнон афсоналарида ҳам ҳар хил изоҳланади. Х.Дўстмуҳаммад фойдаланган афсонада Сизиф Зевснинг ёмон ишига гувоҳ бўлиб қолади. Адиб “Донишманд Сизиф” асарида юнон афсонасини ўз ижодий лабораториясида шу қадар зийнатлайдики, натижада Сизиф ҳозирги ўзбек насрида тимсолли рамзий образга айланади. Сизиф ҳақидаги юнон афсоналарида унинг ақлли, айёр, фирибгар, шаккок, қайсар, исёнкор, тадбиркор каби ўнлаб қиёфалари очилади. Назаримизда, Х.Дўстмуҳаммад ўзи яратган Сизиф характерида ақл ва донишмандликни одамийлик белгиси

¹ Ахриман / Мифы народов мира. Энциклопедия том 1. – М.: Сов.энцикл., 1980. – С. 140-141.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўз МЭ, 2006. – Б. 324.

сифатида юклайди. Бугунги фикрлар курашига айланаётган Глобал дунёда Инсон фақат ақл ва тадбиркорлик билан яшаб қолиши, ўз мақсадига эриша олиши мумкин, деган бадиий-фалсафий ғоя бу асарнинг моҳиятини ташкил қилади. Х.Дўстмуҳаммад қалами билан яралган янги Сизиф неомифолегемаси ундан олдин яратилган Сизифлардан фарқли равишда меҳнат машаққатларига катта куч-ирода, меҳнат сарф этиб, ўз гуноҳларидан ва маҳкумлиқдан фориг бўлади.

Диссертациянинг кейинги фасли **“Шайтон образининг ижтимоий-мажозий талқини”** деб аталади. Мазкур фаслда Ш.Бўтаев (“Шох”), Н.Эшонқул (“Тун панжаралари”), Н.Рауфхон (“Шайтони Бузург”) каби адибларнинг Шайтон образини яратишдаги қандай адабий тажрибаларига суянгани ва ёзма адабиётда асрлардан бери мурожаат қилинаётган Шайтоннинг диний асослари ўрганилди. Шайтон образи дунё халқлари адабиётида турфа номлар билан атаб келинади. Жумладан, Мефистофель (И.В.Гёте “Фауст” трагедиясида), Демон (Лермонтов “Демон” поэмасида), сеҳргар Волонд (М.Булгаков “Уста ва Маргарита” романида), Иблис (О.Уайльд “Дориан Грейнинг портрети” романи ва Р.Стивенсон “Шайтоний шиша” хикоясида), Шайтон (Фитрат “Шайтоннинг тангрига исёни” хикояси, О.Мухтор “Кўзгу олдидаги одам” романи, Н.Эшонқул “Тун панжаралари” қиссасида), Жаноб Химер (Ш.Бўтаев “Шох” романида), Шайтони Бузург (Н.Р.Муҳаммад “Шайтони Бузург” хикоясида) каби турфа номлар билан аталиб, жаҳон халқлари ва ўзбек адабиётида зоҳир бўлган.

Дунё халқлари адабиётида неча минг йиллардан бери турли исмлар, номлар билан яратиб келинаётган Шайтон образининг генезиси аслида Самовий китобга бориб тақалади. Хусусан, *Қуръони карим*даги Шайтони лаъйин ҳақидаги сура ва оятлар бу фикримизни тасдиқлайди. Ш.Бўтаев Шайтон образини яратишда ҳам Ғарб, ҳам Шарқ анъаналарини синтез қилишга уринади. Ш.Бўтаев, биринчидан, Жаноб Химер (тадбиркор Шайтон) образини яратишда ўзигача яратилган Ғарб адиблари Гёте (“Фауст”), М.Булгаков (“Уста ва Маргарита”), Р.Стивенсон (“Шайтоний шиша”) асарларига, уларнинг Шайтон образини яратишдаги катта ижодий тажрибаларига суянади. Иккинчидан эса адиб Химер образини янада тўлақонли яратиш учун ислом динининг муқаддас китоби *Қуръони карим* ва *Қуръоний сура* ва оятлари асосида ёзилган Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарига таянади. Ёзувчи Одам Отанинг Сарандиб тоғига тушиши, Момо Ҳавонинг Жадда тоғига тушиши, Иблиснинг Басрага тушиши ҳақидаги диний ривоятларни романда Жаноб Химер образи ва унинг ота-боболари ўтмиши сифатида қизиқарли услубда баён этади. Ваҳоланки, мазкур хикоятлар Рабғузийда бор. Жаноб Химер романда “ақл, тадбиркорлик” тимсоли бўлиши билан бирга одамлар

ўртасида “нифок, алдов, зинокорлик, кўзбўямачиликнинг дояси” сифатида ҳам рамзий қилинган.

Романнинг янгиланган неомифологемалари сифатида яратилган жаноб Химер ва Доктор Рабинович моҳиятан Гётенинг Мефистофели билан доктор Фаустини эслатади. Бу диний-мифологик, адабий образлар ўртасида анчайин нозик параллеллар кузатилади. Ш.Бўтаев немис халқ афсоналари таъсирида яратилган “Фауст” асаридаги бадий архетипдан маҳорат билан фойдаланади. Аммо ёзувчи Ш.Бўтаев трагедиядаги машҳур халқ афсонасида айтилган сюжетни айнан такрорламайди. Ёзувчи ўзининг шахсий фантазияси, юксак бадий тафаккури билан “Шох” романини яратади. Ёзувчи Шайтон образини яратишда нафақат, немис адиби Гёте асарига таянади, балки, туркий халқлар адабиёти тажрибаларидан ҳам таъсирланади, улардан ўрни билан унумли фойдаланади.

Бобнинг сўнгги фасли **“Метаморфоза бадий шартли восита”** деб номланган. Унда Н.Норматов (“Бир кун чумоли бўлиб...”), Х.Дўстмуҳаммад (“Кўз қорачиғидаги уй”), Н.Эшонқул (“Баҳоуддиннинг ити”) ҳикояларидаги эврилиш мотиви таҳлил этилган. Ўзбек адабиётшунослигида “метаморфоза” мотиви ва унинг бадий хусусиятлари махсус ўрганилмаган. “Метаморфоза” адабий терминининг ўзбекча муқобили сифатида “эврилиш” атамасини қўллаш мумкин. Бу илмий атама ўзбек фольклоршуносларининг тадқиқотларида ишлатилган. Ж.Юсуповнинг ўзбек халқ эртакларида “Эврилиш” мотивини ўрганишга бағишланган мақоласини эсга олиш мумкин¹. “Эврилиш мотиви” фольклор ижод бағридан ўсиб, шаклланиб, ёзма адабиётга ҳам кўчди. “Эврилиш” сўзи айтилиши ҳамона Ф.Кафканинг “Эврилиш” ҳикояси эсга тушади. Ҳикоя қаҳрамони Грегор Замзам эрталаб уйғонганида, қўнғизга айланиб қолади. Худди шундай “Эврилиш мотиви” ҳозирги ўзбек насрида ҳам пайдо бўлди. Бу ўринда Х.Дўстмуҳаммаднинг “Кўз қорачиғидаги уй”, Н.Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити”, И.Султоннинг “Қисмат” ҳикоялари билан бир қаторда Н.Норматовнинг “Бир кун чумоли бўлиб...” ҳикояларини эсга олиш мумкин. Фольклоршунос олимлар халқ эртаклари ва дostonлари мисолида ўрганганидек, “Эврилиш мотиви”нинг “сув воситасида”, “ҳаракат воситасида”, “жонзот ўз либосини ечиб, инсоний қиёфа касб” этиши каби бадий турларини кўрсатишган². Ёзма адабиётда ижодкорлар “метаморфоза мотиви”га мурожаат этишларининг яна бир сабаби жамиятда кучли босим авж олганида, инсоннинг шахсий истаклари, хоҳишлари жуда қаттиқ бўғилган зулм, залолат авжига чиққан, бюрократик ва бошқа салбий иллатлар болалаган вақтда истеъдодли ёзувчилар анъанавий сайёр мотивдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Кўз

¹ Юсупов Ж. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // Шарқ юлдузи. 2002. №1. – Б. 152-153.

² Юсупов Ж. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // Шарқ юлдузи. 2002. №1. – Б. 152-153.

қорачиғидаги уй” ҳикоясида қаҳрамоннинг кўз қорачиғи – қоронғи икки хонага, Н.Эшонқулнинг “Баҳоуддиннинг ити” ҳикоясида режиссёр – итга, И.Султоннинг “Айвон” ҳикоясида эса ота – балиққа айланиб қолади. Ҳар бир ҳикояга алоҳида бадиий-эстетик таҳлил керак. Аммо бу ҳикояларни бирлаштириб турувчи яхлит типологик ўхшаш мотив – Метаморфоза.

Н.Норматовнинг “Бир кун чумоли бўлиб...” ҳикоясида қаҳрамон бир гиёҳни еб қўйиб, чумолилар тилини тушунадиган одамга айланиб қолади. Кузатаётганимиздек, тўрт муаллиф яратган ҳикояларда Метаморфоза мотиви турли бадиий хусусиятларга эга. Ҳикояларда қўлланилган Метаморфоза мотиви тўлиқ ёки қисман бирор деталь орқали, жаҳон адабиёти ва миллий фольклордаги эврилиш мотивининг синтезини ўзида акс эттирган. Н.Норматов халқ эртак ва дostonларида минг йиллардан бери қўлланиб келинаётган “Метаморфоза” бадиий шартли воситасини қўллаган ҳолда, 70-йиллар ўзбек ҳикоячилигида тамомила янги ҳикоя намунасини яратди. Ҳикоя қаҳрамони булоқ бошидаги гиёҳи беҳиштни еб қўйиб, чумолилар тилини қуёш ботгунича тушуниш, улар билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлган кишига айланиб қолади. Демак, ёзувчи ҳикояда ўзбек ва дунё халқлари фольклорида мавжуд бўлган “Метаморфоза” мотивидан унумли фойдаланади. Аммо ҳикоя қаҳрамони инсонийлик қиёфасини йўқотмайди. Яъни Кафканинг қаҳрамони сингари қўнғизга, Н.Эшонқулнинг қаҳрамони каби итга, И.Султоннинг қаҳрамони мисоли балиққа эврилмайди. Балки қаҳрамон инсонийлик қиёфасини сақлаган ҳолда чумолилар тилини тушунувчи, улар билан бемалол мулоқот қилувчи қудрат соҳибига айланади. Н.Норматовнинг қаҳрамони эса инсонийлик қиёфасини сақлаган ҳолда гиёҳи беҳишт (магик деталь) ёрдамида эврилди. Аниқроғи, қаҳрамоннинг дунёни қабул қилиши, эшитиш қобилиятигина (чумолилар тилини тушунувчи қобилияти) эврилади, холос. Ҳикоя бошида юзма-юз, ҳикоя ярмидан сўнг эса қаҳрамон (мухбир журналист) билан чумоли хаёлан суҳбатлашади. Яъни чумоли одамнинг оёғига бир озгина тегиниб туриб, унинг хаёлида кечган туйғуларидан воқиф бўлади. Н.Норматов халқ ижодидаги “тўла эврилиш мотиви”дан фарқли равишда ўз қаҳрамонини қисман эврилтиради.

Диссертациянинг сўнгги боби “**Янги ўзбек насрида абсурд адабиётга хос унсурлар ва ассоциатив образлилик**” деб аталади. Бу боб икки фаслдан ташкил топган. Илк фасл “**Ўз ичига беркинган одам**” образининг руҳий таҳлили” деб номланган. Мазкур фаслда н.Эшонқулнинг “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи ва қатор ҳикоялари таҳлил қилиб берилган. Унинг устозлари Ғарб адабиётида Абсурд ва экзистенциал адабиётнинг асосчилари А.Камю, Ф.Кафка, Ж.Жойс, Р.Музиль, Х.К.Онетти кабилардир. Унинг ҳикоялари, қиссалари ва романида синовдан ўтган индивидуал ижодий услуги ўзбек анъанавий

реалистик адабиётининг бирорта вакили ижодига ўхшамайди. Ҳеч бир ёзувчиникига ўхшамаган бадий услуб самараси ўлароқ яратилган қаҳрамонлар руҳиятидаги ҳиссиётлар, исёнкор фикрлар, даҳшатли тасвирлар, ўхшатишлар ва метафоралар, рамзий-мажозий, фалсафий талқинлар, ёлғиз инсоннинг қалб драматизми ва “Ўз ичига беркиниб олган одам” образи китобхонни ҳайратлантиради. Н.Эшонқулнинг қайси бир асарини олмайлик, унда ғайритабиий воқеалар, аламзада, бахтсиз, омадсиз, жамият итқитиб ташлаган хароба ва чиркин кулбаларда яшовчи ёлғиз қаҳрамонлар учрайди. “Ажр” ҳикояси илк бор 1989 йилда “Ёшлик” журналида чоп этилган¹. Ҳикоя воқеалари нариги дунёда содир бўлади. Н.Эшонқул мазкур ҳикоясида италян ёзувчиси А.Данте (“Илоҳий комдия”), А.Орипов (“Жаннатга йўл”)нинг ижодий тажрибаларини яна қайтадан ўз ижодида синовдан ўтказди. Ҳикоя сюжети оддий композицияга эга эмас. Тарқоқ ҳолда бир нечта қисмлардан иборат. Аммо сочилган воқеалар ва лирик-романтик ички монологлар яхлит ҳолда бирлашиб, ёзувчининг айтмоқчи бўлган гапини ва муҳим бадий концепциясини намоён эта олади. Ўғил падаркуш, қолаверса, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қамалишига, ўлиб кетишига сабабчи бўлгани учун барча гуноҳлари учун нариги дунёда Рўзи маҳшарга қадар отасини ўз елкасида кўтариб юриш жазосига мустаҳиқ қилинган. Бу отасини опичлаб олган Ўғилнинг абсурд ҳолати ўтмишдаги қора доғларнинг ювилиб кетмаслигига рамзий метафорик ишорадир. Ҳикояда отасини елкасига кўтариб олган ўғилнинг қирқ йилдан бери (*ҳикоянинг бошида ўн йилдан бери дейилади. – М.Қ.*) шу ишни қилаётгани ёзилган. “– Бўлди... – ингради ўғил. – Бўлди, бас... қирқ йилдан бери шу бир гапни такрорлайсиз... Чарчаб кетдим. Бас!”². Н.Эшонқул ўзбек халқ эпоси “Алпомиш”даги туш мотивига ҳам ижодий ёндошади. “Алпомиш”да уч қаҳрамон, яъни Алпомиш, Барчин, Қоражон бир хил туш кўради. Айнан шу фольклорга хос туш мотивини Н.Эшонқул “Ажр” ҳикоясига кўчиради. Ота-бола бир хил туш кўради. Тушлар халқ ижодида ҳам, Назар Эшонқул ҳикоясида ҳам (*умуман, ёзма адабиётда – М.Қ.*) қаҳрамонлар тақдирига рамзий ишоралар беради. Яъни “Ажр”да туш детали метафорик қатламни вужудга келтиришга хизмат қилади. Қайсидир маънода, тушларни бир башорат деб тушуниш мумкин³. Ҳикояда Ота ва Ўғил томонидан кўрилган бир хил туш, Ўғилнинг нариги дунёдаги Ажри (аросатда Отасини елкасида кўтариб юриш) га рамзий ишора беради. Демак, ҳикояда туш детали шунчаки киритилмаган.

“Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи сюжети ҳам аслида, ўзбек ва жаҳон адабиётида синовдан ўтган “сайёр сюжет” лардан бири ҳисобланади. Яъни қаҳрамоннинг ҳам тирик бўла туриб, ўликлар

¹ Эшонқул Н. Ажр // Ёшлик. 1989. №9. – Б. 19-25.

² Эшонқул Н. Ажр // Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 321.

³ Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – 304 б.

сафига кириб қолиши ва ўзининг тириклигини исботлашга уриниш мотивидир. Жаҳон адабиётининг буюк ёзувчилари Р.Тагор ва Д.Буцатти ёки С.Аҳмад ижодида ҳам айнан шу мотив асосида яратилган ҳикоялар учрайди. Н.Эшонкул айнан шу мотивни янгилаган ҳолда катта полотнодаги “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романини яратди. Н.Эшонкулнинг мазкур романида адолат истаб, излаб йўлга чиққан, аммо ҳеч қаердан ва ҳеч кимдан адолат топа олмай, ўттиз ёшида ҳалок бўлган қаҳрамон Н.нинг саргузаштлари ва фожиаси яхши очиб берилган. Роман номига чиқарилган “ҳаёт суви” – адолат рамзи. Эпиграф сифатида олинган байт ва мисраларда ҳам ҳаётдан ва инсонлардан адолат истаб ўтган Гилгамиш қисмати ва қалби ғам-андухга тўлиб кетган Тўрўғлининг нолага, оҳга йўғрилган сўзлари бежизга роман номидан кейин қўйилмаган. Бу эпиграфлар ҳам ёзувчининг романда тасвирламоқчи бўлган бош бадиий мақсадини ўзида ифодалаб турибди. “Садди Искандарий” дoston матнида ҳам “оби ҳаёт” сўзи учрайди. Бу сўз дostonнинг VI фаслида ишлатилади.

“Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” қаҳрамони Н. ўзининг тириклигини исботлаш учун яхши, адолатли сўз излаб, охири эса ўзини -ўзи ҳалок қилади. “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи пишиқ бадиий композиция асосига қурилган ва жами 12 та фаслдан ташкил топган. Н.Эшонкул “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида Шарқ адабиёти билан Ғарб адабиётининг илғор ижодий анъаналарини уйғунлаштира олди. Демак, “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви”да ёзувчи Ф.Кафка билан Ж.Жойснинг модерн насрдаги янги ижодий тажрибаларини уйғунлаштириб беради. Романда бадиий вақт нуқтаи назаридан қаралганда, бир йиллик сарсон-саргардонлик ҳикоя қилинади. Бирок жамиятдаги ижтимоий, маънавий, сиёсий иллатларнинг салкам юз йиллик тарихи, фожиаси Н. тақдири ва унинг бошига тушган чалқаш, абсурд вазият мисолида ниҳоятда теран бадиий таҳлил этилади. Романда муаллиф худди Ф.Кафка сингари миллат руҳиятига сингиб кетган “кўрқув” ва “хавотир”, “мутеъ” ва “маҳкум одам”, “абсурд вазиятдан норози одам” психологиясини ниҳоятда теран ва чуқур очиб беради. Айтиш мумкин, ёзувчи романда “кўрқув” ва “хавотир”, “маҳкум шахс” образларини маҳорат билан типиклаштириб беради. Роман саҳифаларидан ўрин олган инсонни таҳқиқлаш, жазолашнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари (масалан, одамнинг қўл-оёқларини синдириш, хивчин билан орқасига хивчинлаш, йиринглаган танага туз сепиш, орқалари йиринглаган маҳкумни зах хоналарга қамаб қўйиш, юрагини суғуриб олиш, бошини ёриб, миясига илонни жойлаштириш, миянинг ёғларини илон тўйиб еб, ялтираб туриши) Шўро даври тузумидаги Шахсга нисбатан қилинган даҳшатли зулмларнинг рамзий ифодасидир. Диссертациянинг энг сўнгги фасли **“Ассоциатив бадиий тафаккур”** деб номланади. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Меҳмон” ва И.Султоннинг “Бўри” ҳикоялари таҳлил этилган. Бу икки ҳикояда ассоциатив тафаккурнинг

борлигидир. Демак, икки ҳикояни бирлаштирувчи умумий муштараклик, бу ассоциатив тафаккур асосида яратилган образлиликдир.

Х.Дўстмухаммаднинг “Меҳмон” ҳикоясида ювош ёзувчи ва ўргимчак образи, И.Султоннинг “Бўри”сида эса озодликни соғинувчи эркак ва бўри образларини бир-бирига қаршилантириш, чоғиштириш, улар руҳиятидаги муштаракликни фалсафий таҳлил қилиш асносида зулм, жаҳолат остида эзилаётган ИНСОНлар образини кўрамиз. Х.Дўстмухаммаднинг “Меҳмон” ҳикоясида шифтдан арғамчи эшиб тушган ўргимчак бехос қаҳрамоннинг (ёзувчининг) сочлари ичига тушиб қолади. Ёзувчи бировга озор етказиш уёқда турсин, ҳатто, ҳашаротларга ҳам озор етказишни гуноҳи кабир ҳисоблайди. Ёзувчи образи жамиятда ўзгаларга зарар етказмасликни ўзининг асосий яшаш принципига айлантирган хокисор инсон тимсолидир. Ўргимчак табиатда тўр солиб, ўз ўлжасини пана-пастқамда жимгина кутадиған ҳашарот тури. Унинг кундалик юмуши кўзга кўринмас нозик иплардан емиши учун тўр тўқишдан иборат. Ўзи жонини авайлаб, ўзгага озор етказадиган ҳашарот ҳисобланади. Ҳикояда ювош, меҳрибон инсон ва ўргимчак образлари карама-қарши тасвирланар экан, китобхонда бу ҳолат образларни қаршилантириш бадиий приёми орқали ассоциатив образли тафаккурни аниқлашга ёрдам беради. Дарҳақиқат, ҳикояда юксак бадиий тафаккур фантазияси билан ассоциатив образ яратилганки, бу ювош ёзувчи ва ўргимчак образларидир. И.Султоннинг “Бўри” ҳикоясида ҳам бўри ҳақидаги отанинг хотиралари эсга олинishi орқали, Инсон ва Бўри руҳиятидаги эрк, озодликга интилувчи туйғу ўзаро бирлашиб кетганини кузатиш мумкин. Юзаки қаралганда эса ёзувчи гўё, инсоннинг эрки, озодлиги, шахсий ҳис-туйғулари ҳақида ёзмаётгандек туюлади. Ҳозирги адабий жараёнда ўзига хос модерн насрий услуби, ўзига хос замонавий миллий бадиий талқинлари билан бошқа носирлардан ажралиб турувчи ёзувчилардан бири Б.Қобулдир. Адиб насрида кейинги пайтда жаҳон адабиётида тобора барча жанрлар табиатига сингишиб, жанрлар синкретизминини вужудга келтираётган Эссе жанрига хос қатор бадиий канонларни кузатдик. Мазкур ўринда бетакрор ёзувчининг “Энашамол” қиссасидаги ассоциатив образли тасвир таҳлил қилинган. Қиссада тасвирланган икки воқеа замирида икки халқнинг бола тарбиясига нисбатан маърифатли ёки жоҳилона муносабат кўрсатиб берилган. Муаллиф Лўли хотин ва унинг ўсмир қизига нисбатан жоҳилона муносабатини қиссанинг бир нечта ўрнида эслайди. Бу шунчаки эслаш эмас. Балки адиб туркқишлоқ одамларининг бола тарбиясидаги беҳад тантилиги, болапарварлиги, қалбитоза, имонли, эътиқодли инсонлар эканини воқеаларни зидма-зид қўйиш ва таққослаш орқали қиссада ассоциатив бадиий образли тасвир яратишга асос бўлган.

ХУЛОСА

“Шартлилик”, умуман олганда, барча санъат турларига хос бўлган фалсафий тушунча ҳисобланади, “бадий шартлилик” ижодий-руҳий фаолият натижасида юзага келади, унинг муҳим шартлари образлилик, мазмун ва шакл уйғунлиги, бадий бутунлик, универсаллик, оригиналликда кўринади; Бадий шартлилик санъат асари учун сув ва ҳаводек зарур бўлган барча унсурларни ўз ичига олади, сўз санъати назарда тутилганда, бу ёзувчининг бадий услуби, асар тили, сюжет воқеаларининг ҳаётийлиги, аниқлиги, таъсирчанлиги каби қатор хусусий ва умумий хусусиятларни ўз ичига қамраб олган;

бадий шартлилик ўтган асрнинг 50-йилларидан эътиборан, шўро даври адабиётшунослигида махсус баҳс ва муаммо сифатида ўрганила бошланган бўлса-да, аслида бадийлик масаласининг ўрганилиши Аристотель замонидан бери ўрганиб келинади; ўзбек адабиётшунослигида бадий шартлилик атамаси “бадийлик критериялари” (Иzzат Султон), “бадий шартлилик” (Б.Саримсоқов), “бадийлик мезонлари ва маромлари” (У.Тўйчиев), “бадийлик модуси” (Д.Қуронов) каби терминлар билан ўрганилиб келинади;

ҳозирги ўзбек насрида кучли метафоризм, киноя ва унинг ўткир шакли сарказм, рамз, тимсолли ишоралар, янгича стилистик усуллар (аллюзия), неомифологизмнинг қирралари, абсурд адабиётга хос қатор унсурлар (абсурд вазият ва абсурд қаҳрамон), метаформоза, ассоциативлилик каби қатор хусусиятлар Э.Аъзам, А.Аъзам, Ш.Бўтаев, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул, У.Ҳамдам, И.Султон, Н.Норматов, Н.Р.Муҳаммад каби ижодкорлар насрида мавжуд ва маҳорат билан қўлланган;

Шарқ адабиётида вужудга келган панднома (дидактик) адабиёт намоёндалари Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Бобур асарларида реалистик дидактик бадий шартлиликка хос одоб-ахлоқ, одамийлик бурчлари, фано ва бақо, дунё ва охират, иймон ва инсоф, эътиқод, илм ўрганишнинг муҳимлиги каби турли фалсафий универсал тушунчалар Ислом маърифати ва маданиятини ўзида теран акс эттирган;

кўп асрлик ўзбек мумтоз адабиётида насрга хос бадий шартлилик дидактик, романтик, реалистик анъанавий шартли мотивлар ва образлар ҳисобига шаклланиб ва бойиб борди ва уларда ислом маърифий адабиётининг кучли умумбашарий ғоялари дoston, нома жанрида ҳамда мемуар адабиёт намуналарида ўз ифодасини топди ва булар Янги замонавий ўзбек насри учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаган;

70-йиллар адабиётига мансуб авлод вакиллари (насрда М.М.Дўст, Э.Аъзам, А.Аъзам, Х.Султон) ўзбек насрига бадий услубий янгиланишлар олиб кирди, яъни бу ижодий янгиланиш киноявий бадий модуснинг олиб кирилиши билан эътиборли; Э.Аъзам ўзининг (“Пиёда”, “Аралашқўрғон”, “Ёзувчи” ва ҳ.зо.) қатор

ҳикоялари, (“Шоирнинг тўйи”, “Чапаклар ва чалпаклар мамлакати”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Жавоб”, “Пакананинг ошиқ кўнгли”) қиссалар ва (“Шовқин”) романида тизимли равишда киноявий образлар галереясини яратди, унинг насрида киноявий образ, ниқобли кишилар образи, киноявий сюжет, киноявий бадиий воситалар сарказм, муболағадорлик, пародия, парадокс, кулги, сўз ўйинлари, абсурд кайфият, лақаб қўйиш, сир саклаш, учлик формула, “ўз ўзини таҳлил этиш”, киноянинг кўп ёқламалилиги каби бадиий шартлилик воситаларидан унумли фойдаланган;

А.Аъзам насрида киноявий муносабатнинг кўпёқлама шакли (“Ойнинг гардиши”, “Тугмачагул” ҳикоя ва новелларида, “Аскартоғ томонларда” қиссасида)ни маҳорат билан қўллайди, “Ойнинг гардиши” ҳикоясида Ой ва бола образи метафорик бадиий қатламни ҳосил қилади; ҳикояда миллатнинг янги, катта йўлларга чиқиши учун эскирган ва қотиб қолган анъаналарнинг тўсиқ бўлаётгани ирония қилинади; А.Аъзам (“Соясини йўқотган одам”) ва Н.Р.Муҳаммаднинг (“Пуфак”) ҳикояларида романтик киноянинг оригинал кўринишлари яратилган бўлиб, соясиз одам ва Пуфак одам тимсоллари орқали жамиятдаги ижтимоий иллатлар (бекорчи нарсаларга вақт сарфлаш, қоғозбозлик ва истеъдодсизлик каби) қаттиқ танқид остига олинган;

Ш.Бўтаев “Эски арава” қиссасида тоталитар тузумга қарши киноявий муносабатда бўлиб, Гоголнинг “Ўлик жонлар” поэмасига тақлидий асар битади ва гоголона сатира адиб асарида аччиқ иронияга эврилади, муаллиф қиссада пародиянинг уч хил услубини қўллайди, яъни ёзувчи услубига тақлид қилади; асарда Гоголь қаҳрамонлари Чичиков, Селифан, Петрушка, Собакевич, Кошкарёв, Манилов каби образларни қайта трансформация қилиниб, ўтган асрнинг 80-йиллар ижтимоий ҳаётига заҳарханда киноя қилинади ҳамда “Эски арава” қиссаси катта маҳорат билан яратилган бўлса-да, бироқ адабий тақлидий пародия ҳозирги ўзбек насрининг етакчи тенденциясига айланиб улгурмаган;

ўзбек адабиётшунослигида хорижда “метажанр” сифатида ўрганиб келинаётган тақлидий пародия шу кунга қадар ўрганилмай келаётган эди, Ш.Бўтаевнинг ўнлаб қиссалари орасида “Эски арава” гина тақлидий пародия қиссага мансуб бўлиб, ёзувчи бу асарни гоголона ташбеҳлар, сифатлашлар, енгил кулги, ироник заҳарханда сингари бадиий услублар билан безайди ва натижада ҳозирги ўзбек насрида илк бор оригинал тақлидий пародияга мансуб қисса ярата олишга муваффақ бўлган;

ҳозирги ўзбек насрида мифлар ижодкорлар учун архетип вазифасини бажариб, бугунги кун муаммоларини бадиий ифодалаш учун янгича бадиий услубий йўналиш даражасига кўтарилди, хусусан, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, И.Султон, Ш.Бўтаев, Н.Р.Муҳаммад насрида неомифологизм унсурлари кузатилмоқда;

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикоясида (сабдаг мифологик образи) нафсининг улкан ижтимоий, маънавий-ахлоқий қусур экани Жажман неомифологемаси орқали асосланиб берилган бўлса, “Донишманд Сизиф”да эса (юнон мифологик қаҳрамони Сизиф) Сизиф образи ўзбек миллий ижтимоий-маиший ҳаётидаги, қолаверса, глобал ғояларни ифодалаш учун метафорик шартли восита бўлиб хизмат қилган. Адиб Сизиф неомифологемаси орқали ҳозирги ўзбек насрида Сизиф тимсолидаги образга донишмандлик, ақллилик фазилатини юклаш орқали глобаллашув жараёни тобора кескинлашиб бораётган мураккаб даврда мана шундай кишиларга эҳтиёж кучлилиги каби масалага алоҳида урғу беради;

Ш.Бўтаев, Н.Эшонқул, Н.Р.Муҳаммад каби адибларимиз Шайтон неомифологемасини яратишда, бир томондан, “Қуръони карим” га, диний ривоятларга, иккинчи томондан эса халқ мифологияси ва Ғарб адабиётининг ижодий анъаналарига суянниб, Шайтон образининг кўп асрлик генезислари бўлишига қарамасдан, бугунги ўзбек носирлари бу образни оригинал ва ўзига хос тарзда яратишга муваффақ бўлишган;

бунга Ш.Бўтаевнинг Жаноб Химер (“Шох”), Н.Р.Муҳаммаднинг Шайтони Бузург (“Шайтони Бузург”), Н.Эшонқулнинг Шайтон (“Тун панжаралари”) образларини мисол келтириш мумкин; ҳар учала адиб Шайтон образини яратишда турли хил адабий, бадиий манбалар ва халқ мифологиясига суянади; Ш.Бўтаев яратган Жаноб Химер тимсолида (“Шох” романида) Шарқ ва Ғарб анъаналарининг ўзаро адабий синтезини кузатиш мумкин; адиб Гёте (“Фауст”), М.Булгаков (“Уста ва Маргарита”), Р.Стивенсонлар (“Шайтоний шиша”) тажрибаларидан ҳам унумли фойдаланади; муаллиф Шайтон образини мукамалроқ яратиш мақсадида *Қуръони карим*даги сура ва оятларга ва Рабғузий (“Қисаси Рабғузий”)нинг диний характердаги асарига суянади, натижада Шайтон образини мукамал ва бетакрор бадиий тимсол сифатида яратишга муваффақ бўлган;

Н.Р.Муҳаммад “Шайтони бузург” ҳикоясида ўзбек халқ оғзаки ижоди, араб халқ эртақлари (“Минг кеча”) анъаналари ва *Қуръони карим*даги сура ва оятларга таянади; у Шайтон образини яратишда анъанавий реализмдан фойдаланади; Н.Эшонқул эса Шайтон образини яратишда ассоциатив бадиий тафаккур ва рамзий-мажозий услубни қўллади. Адиб тасвиридаги Шайтон образи қиёфасида абсурд адабиётга хос “тушкунлик” ва “умидсизлик” кайфияти устунлик қилади; ҳар учала адиб ҳозирги ўзбек насрида Шайтон неомифологемасини яратиш орқали бугунги кун одамининг Шайтондан ҳам маккорлигини, айёрлигини турли хил ҳаётий воқеалар воситасида таъсирчан ифодалашга эришган;

ҳозирги ўзбек насрида пайдо бўлган “Метаморфоза мотиви”ни Н.Норматов (“Бир кун чумоли бўлиб...”), Х.Дўстмуҳаммад (“Кўз қорачиғидаги уй”), Н.Эшонқул (“Баҳоуддиннинг ити”) ва И.Султон

(“Қисмат”) ҳикояларида мақсадли фойдалана билди. Н.Норматов “Бир кун чумоли бўлиб...” ҳикоясида қисман эврилиш мотивидан (қахрамон маълум вақт ичида чумолилар билан суҳбатлашиш имконига эга бўлади); Н.Эшонқул эса “Баҳоуддиннинг ити”да (радиомухбир итга эврилади) тўла эврилиш мотивидан фойдаланди; Х.Дўстмуҳаммад (“Кўз қорачиғидаги уй”) ҳикоясида кўзгу магик детали орқали қахрамоннинг кўз қорачиғи хонага эврилади (қисман эврилиш), натижада ўтиш даври одамларининг руҳияти, ижтимоий давр ҳодисалари таҳлил чиғириғидан ўтказилади; ҳар учала муаллиф қахрамоннинг ички инқирозини бадиий тафтиш этишда метаморфоза мотивини истифода этиш орқали намоён этган;

Н.Эшонқул насрида Абсурд адабиётга хос “абсурд қахрамон руҳияти”, “абсурд вазиятга тушиб қолган қахрамон ҳолати”, “Ўз ичига беркинган одам” образининг руҳияти ноанъанавий йўсинда бадиий талқин этилади; муаллиф насрида кўриниш берган Абсурд қахрамонлар асло сунъий образлар эмас, балки ижтимоий-сиёсий, адабий муҳит таъсирида табиий равишда пайдо бўлган адабий ҳодисадир;

муаллифнинг (“Тун панжаралари”, “Қора китоб”) қиссалари ва (“Маймун етаклаган одам”, “Ажр”, “Очилмаган эшик”) ҳикояларида “Ўз ичига беркинган одам” образининг “умидсиз”, “ўз ҳаётидан норози”, “тушкун кайфияти” таҳлил этилади; Ёзувчи “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида ҳам ўз шахсини тасдиқлай олмай шахси синдирилган, “мен”и йўқ қилинган “махкум” одам образини маҳорат билан яратади; муаллиф роман бадиий концепциясини яратишда Абсурд адабиёт вакиллари А.Камю, Ф.Кафка, Ж.Жойсларнинг бадиий-услубий изланишларини ўрганиб, ўз ижодий оригиналлигини таъминлайди, романда метафораларга кенг йўл очган;

И.Султоннинг “Бўри” ҳикоясида бўри образи билан Ота образини қаршилантириш орқали улар ўртасидаги ўхшаш хусусият “ёввойилик”, “ёлғизлик” қиёсланади, натижада кутилмаган, фавқулодда таъсирчан ассоциативликка эришилади; Х.Дўстмуҳаммаднинг “Меҳмон” ҳикоясида юввош ёзувчи билан ўргимчак образлари қаршилантирилар экан, ўргимчакка хос “ўлжабозлик”, “ёвузлик” ва инсонга хос “худбинлик”, “ўзбўлармонлик” параллел кўйилиб, образли ноанъанавий ассоциатив образлилик яратилади; Б.Қобулнинг “Энашамол” қиссасида эса “Танноз лўли” ва “Ўғригина болалар” ҳаётий хотира фонида қурилган воқеа қаршилантирилиб, асарда кутилмаган тарзда ассоциатив образлиликка эришилган, муаллиф асарда воқеалар ва икки халқнинг бола тарбиясига муносабатини зид қўйиш орқали шарқона исломий тарбия фазилатларини (турккишлоқ одамлари, Ўсмаат қишлоғидаги ўзбеклар ҳаёти орқали) улуғлайган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 AT THE INSTITUTE OF UZBEK
LANGUAGE, LITERATURE AND FOLKLORE UNDER THE
UZBEKISTAN ACADEMY OF SCIENCES**

**INSTITUTE OF UZBEK LANGUAGE, LITERATURE AND
FOLKLORE**

KUCHKAROVA MARKHABO KHUDAYBERGANOVNA

LITERARY CONDITIONALITY IN MODERN UZBEK PROSE

10.00.02 – Uzbek literature

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOLOGICAL SCIENCES
(DSc)**

Tashkent – 2020

The theme of DSc dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2017.1.DSc/Fil.23.

The dissertation has been prepared at the Institute of Uzbek language, literature and folklore under the Uzbekistan Academy of Sciences.

The abstract of the DSc dissertation is posted in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website of Scientific Council (www.tai.uz) and «ZiyoNet» information and educational portal (www.ziyo.net).

Scientific advisor:

Rahimjonov Numanjon

Doctor of Philological science, Professor

Official opponents:

Karimov Bahadir Nurmetovich

Doctor of Philological science, Professor

Yakubov Islamjan Akhmedjanovich

Doctor of Philological science, Professor

Murodov Gayrat

Doctor of Philological science, Professor

Leading organization:

Djizak State Pedagogical Institute

Defense of the Dissertation will take place on «____» _____ 2020, at «____» at ____ p.m. at a meeting Scientific Council DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 under Scientific Degree at Institute of Uzbek language, literature and folklore of the Uzbekistan Academy Sciences (address: 100060, Tashkent, str. Shakhrisabz passage, 5. Tel.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Dissertation could reviewed at the Main Library of the Uzbekistan Academy Sciences (address: 100100, Tashkent, str. Ziyolilar, 13. Tel: (99871) 262-74-58).

The abstract of the dissertation was distributed on «____» _____ 2020.
(Registry report number _____ on «____» _____ 2020)

B.A.Nazarov

Chairman of the Scientific Council
awarding scientific degrees,
Doctor of Philological sciences, Academician

R.Barakaev

Secretary of Scientific Council
awarding scientific degrees,
Candidate of Philological sciences,
Senior Scientific Researcher

N.F.Karimov

Deputy Chairman of Scientific Seminar at the
Scientific Council awarding scientific
degrees,
Doctor of Philological sciences, Academician

INTRODUCTION (the abstract of the (DSc) dissertation)

Actuality and necessity of the research theme. In world literature, literary conditionality is studied as an extremely important feature not only in literature, in general, in all types of art, cinema, theater, painting, sculpture, dance, photography and other fields. A real work of art is created only if the essential conditions of art, such as imagery, originality, universality, harmony of content and form, mutual compatibility, authenticity, sincerity, literary language are fully fulfilled. In literary criticism, the approach to a true work of art is viewed from this perspective, and new talents and aspects of art are constantly being discovered in the literary process.

The issue of literary conditionality in world literature was first addressed in Aristotle's work "Poetics", and since ancient times the "aesthetic-influential power of literature" has been of great scientific and theoretical importance in literary criticism. In particular, there are many literary means in literature, such as symbolism and metaphor, mythology, metamorphosis, which moved to the written literature under the influence of folklore; satire and, various creative styles, romanticism, realism, modernism, postmodernism, magical realism, absurdism further expanded the possibilities of art. Consequently, the study of qualitative changes in the nature of artistic conditionality is a requirement of the period.

One of the leading representatives of the literature of the independence period E.Azam, A.Azam, N.Narmatov, Sh.Butaev, Kh. Dustmuhammad, N.Eshankul, U.Hamdani, I.Sultan raises the need for new interpretation and analysis. The fact that "Uzbekistan must be globally competitive in the field of science, intellectual potential, modern personnel, high technology"¹ has placed a responsibility on literary science to raise theoretical issues to world standards. Accordingly, the new aspects of literary thinking in modern Uzbek prose include the author's satire on society and the protagonist, the protagonist's self-criticism of himself and others, his critical approach to social, spiritual and moral issues, romantic satire and image creation, satire-imitation work, neomythic prose, the philosophical and symbolic meanings of the images of Jajman, Chimer (Satan), Sisyphus, the manifestation of the motive of transformation from human to other forms, metaphor, absurd prose despair, depression, unconventional depiction of mental and social decline, the relevance of the dissertation defines.

This dissertation research has served on a certain extent to realize the tasks determined in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan "On the organization of the activities of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi" dated May 13, 2016 No. PF-4797, "On the Actions Strategy for further

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабридаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017, 22 декабрь. - №258(6952).

development of the Republic of Uzbekistan" February 7, 2017 No.PF-4947, September 13, 2017 No PQ-3271, "On a comprehensive program of measures on developing the system of publication and distribution of book products, increasing and promoting books-reading and the culture of reading", October 19, 2020 No PP-4871 "On broad celebration of the 580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi", including the Resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan February 16, 2018 124-F, "On holding an international conference on current issues of study and promotion of Uzbek classical and modern literature at the international level".

Relevant research priority areas of science and developing technology of the Republic. This research was carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology in the Republic of Uzbekistan on: "The formation and implementation of the system of innovative ideas into the socio-economic, legal, economic, spiritual-educational development of information, a civil society and a democratic state".

Comments on foreign scientific researches on the theme of the dissertation ¹. The issue of literary conditionality is one of the current scientific problems in the constant focus of literary criticism, which has been consistently studied since the advent of literary science. The research of philologists conducted in universities and research centers is characteristic, such as: Moscow State University, Ural State Pedagogical University, Institute of Arts and Humanities, Buryat State University, Tver State University, Novgorod State University, Ulyanovsk University (Russia), Kiev National University (Ukraine), Azerbaijan Teachers' Institute (Azerbaijan), West Kazakhstan State University named after M.Utemisov (Kazakhstan), as well as the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Uzbekistan Academy of Sciences, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Tashkent State Pedagogical University named after Nizami (Uzbekistan)

The types and functions of literary conditionality in European literature of the first half of the XX century; clarified that myth is an important literary conditional tool in modern literature (Moscow State University); types of literary conditionality in Russian prose in the XX-XXI centuries in exile (Buryat State University), secondary literary conditionality in L.M.Leonov's novel "Pyramid" (Tver State University), Russian novels in 1970-1980 on the example of the novels of T.Tolstoy and Yu.Buyda literary conditionality (Ural State Pedagogical University),

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.dissercat.com>; <http://chelovenauka.com>; www.dslib.net; <https://docplayer.ru>; www.lib/ua-ru.net/diss/cont/201445.html; <https://elibrary.ru/item.asp?id=23365143>; <https://publikacianet/archive/2016-10-2/8> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

literary conditionality in the creation of a different image in the works of Chingiz Aitmatov (Institute of Arts and Humanities), creation of literary synthesis and conditionality from life reality (Ulyanovsk University, Russia), literary conditionality in character creation (Kiev, Ukraine), art issues such as historical conditionality in literature, historicity in conditionality (Azerbaijan Teachers' Institute, Azerbaijan), the study of the components of literary conditionality in a literary work (West-Kazakhstan State University named after M.Utemisov, Kazakhstan).

As a result of this research, the importance and theory of literary conditionality in cinematography, modern prose and drama were created. In world literature, research is conducted in the field of literary conditionality and conditionality in prose, including in the following priority areas: satirical literary mode, neomythological literary conditionality, metamorphosis as a conditional means of art, elements of absurd literature, image in the work of art, idea, metaphorical imagery to pay special attention to aspects such as a deeper insight into the essence.

The level of study of the study. Since the 1950 years of the last century, the problem of literary conditionality in the literature of the former Soviet period was studied in scientific articles and monographs by N.P.Oslopkov, I.A.Razumny, V.Shcherbina, T.L.Motyleva, P.Maslennikov, N.V.Videneev, Yu.Mann, E.Dobin, T.Askarov, V.N.Jdan, B.Suchkov, A.Mihaylova, V.Dmitriev, N.K.Gei, B.Pankin, M.Perhomenko, V.Shklovskiy, A.E.Kravchenko, N.G.Medvedeva and V.B.Blok.¹

¹ Ослопков Н.П. Об условности // Театр. 1959. №12.; Разумный Н.П. О природе художественного обобщения. – М., 1960.; Щербина В. Актуальные проблемы современного литературоведения. – М., 1961.; Мотылева Т.Л. О реализме и условности / Иностранная литература и современность. – М., 1961.; Масленников П. Социалистический реализм и условность // Искусство. - Москва, 1961. №1; Виденеев Н.В. Об условности в искусстве // Вопросы философии. – М., 1963, №10.; Манн Ю. Художественная условность и время // Новый мир. - Москва, 1963, №1.; Добин Е. Диалектика искусства и проблема условности // Советская культура. - Москва, 1964, №3.; Аскарлов Т. Эстетическая природа художественной условности. – Фрунзе: ИЛИМ, 1966. – 160 с.; Шу муаллиф. Художественная условность как эстетическое явление в свете ленинской теории отражения. - Фрунзе: Кыргызстан, 1984. – 200 с.; Ждан В.Н. Об условности к киноискусству. – М.: Московская правда, 1966. – 56 с.; Шу муаллиф. Эстетика экрана и взаимодействие искусств. – М.: Искусство, 1987. – 496 с.; Сучков Б. Исторический судьбы реализма. – М.: Советская Писатель, 1967.; Михайлова А.О. Художественной условности. – М.: Мысль, 1970. - 300 с; Дмитриев В. Реализм и художественная условность. – М.: Сов. писатель, 1974. – 210 с.; Гей Н.К. Художественность литературы. Поэтика. Стиль. – М.: Наука, 1975. – 471 с.; Панкин Б. Время и слова. – М.: Детская литература, 1973. – 270 с.; Шкловский В. О теории прозы. – М.: Советская Писатель, 1983. – 384 с.; Кравченко А.Е. Художественная условность как средство типизации характера (На материале современного украинского романа): Дисс... канд. филол. наук. – Киев, 1984. – 190 с.; Медведева Н.Г. Миф как форма художественной условности: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1984.

¹ Владимирова Н.Г. Формы художественной условности в современном романе Великобритании: Дисс... д-ра филол. наук. - Новгород, 1999. - 382 с.; Ковтун Е.Н. Типы и функции художественной условности в европейской литературе первой половины XX века: Дисс... д-ра филол. наук. – М., 2000. – 304 с.; Ликинская И.С. Проблема условности в искусстве: Дисс... канд. философ. наук. – М., 2001.; Глинкина Н.А. Роман Ф.Сологуба “Творимая легенда”: Проблема художественного синтеза жизнеподобия и условности: Дисс... канд. философ. наук. – Ульяновск, 2003. – 150 с.; Грушевская В.Ю. Художественная условность в русском романе 1970-х-1980-х годов: Дисс... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2007.; Перепелицына Н.В. Типы художественной условности в русской прозе рубежа XX-XI в.в.: на материале романов “Кысь” Т.Толстой, “Город Палачей” Ю.Буйды: Дисс... канд. филол. наук. – Бурят, 2010. – 170 с.; Ши Сяолун. Художественная

In post-Soviet CIS countries' literature, the issue of literary conditionality has been discussed by many researchers studied in different perspectives and aspects in their research, including N.G.Vladimirova, E.G.Dotsenko, E.N.Kovtun, I.S.Likinskaya, N.A.Glinkina, V.Yu.Grushevskaya, In the dissertations and articles of N.V.Perepelitsyna, Shi Syaolun, S.B.Aliev, R.B.Sultongalieva, B.A.Nadjafova.¹

Theoretical and analytical views on this problem can be found in the research of Izzat Sultan, A.Hayitmetov, B.Sarimsakov, U.Tuychiev, N.Rahimjanov, H.Boltaboev, A.Sharopov, K.Yuldashev, D.Kuranov, S.Kholmiraeva, Sh.Nazarova.² In these works there are brief theoretical notes on the nature of literary conditionality, as well as the types and means of literary conditionality in the genres of Uzbek folklore (epic, fairy tale, legend, anecdote, riddle, myth, song, etc.), the genesis of the test motive in folk tales and poetics studied.

Although the above research has to some extent studied the theoretical nature of literary conditionality and issues related to it, the issue of literary conditionality in modern Uzbek prose has not been studied as a

условность в формировании образа другого в творчестве Чингиза Айтматова: Магистерская диссертация. – Екатеринбург, 2013. - 105 с.; Алиев С.Б. Вторичная художественная условность в романе Л.М. Буйда “Пирамида”: Дисс... канд. филол. наук. – Тверь, 2014. – 165 с.; Султангалиева Р.Б. Исследование компонента художественной условности в литературных произведениях // Bulletin D'EURUTALENT-FIDJIP: Международная академия КОНКОРД, 2015. – С. 84-86; cyberleninka.ru.

